БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 44 (17.624). • 22 февраль 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Эдвард БАБЮХга

Ҳурматли ўртоқ Бабюх!

Сизнинг Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси лавозимига тайинланганлигингиз муносабати билан Совет ҳукумати номидан Сизга самимий қутловлар ва социалистик Польшани янада ривожлантириш манфаатлари йўлида Польша Бирлашган ишчи партияси VII съезди қўйган вазифаларни бажариш борасидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб, билдирган истакларни йўллайман.

Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар тарафлама мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари халқларимизнинг бахт-саодати йўлида, социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлаш, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўлида бундан кейин ҳам ривожланаверади деб қатъий ишонч билдираман.

А. КОСИГИН.

МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетига Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетига

Азиз ўртоқлар!

Тошкент области чорвачилик ходимларининг эришган муваффақиятлари ва бундан буёнги планлари ҳақидаги хабар билан танишиб, ғоят мамнун бўлдим. Шуни таъкидлаш қувончлики, кейинги йилларда колхоз ва совхозларда пахтачиликдаги ютуқлар билан бир қаторда жамоат чорвачилиги муттасил ривожланмоқда, чорва туёғи кўпаймоқда, унинг маҳсулдорлиги ошмоқда, гўшт, сут, тухум етиштириш кўпаймоқда. Деҳқонлар ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, маккажўхори дони, беда, бошқа ширали озуқалардан мўл ҳосил олиш соҳасида партия ташкилотлари раҳбарлигида олиб бораётган ишларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватласа арзиғди.

Буларнинг ҳаммаси область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини ишчанлик, сабот билан амалга ошираётганлигидан далолат беради.

Тошкентликлар эришган натижалар ва 1980 йилга қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятлар мамлакатнинг пахтакор районлари чорвачиликни ривожлантиришда нақадар катта резервларга эга эканликларини кўрсатади.

Область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ва барча меҳнаткашларига якунловчи йилнинг ва умуман беш йилликнинг топшириқларини бажаришдаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич! Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида чуқур фикрлашиб олинди.

Тошкент областининг чорвадорлари экономиканинг шу ҳаётий муҳим тармоғига эътиборни кучайтириш тўғрисида Сизнинг йўл-йўриқларингизга амал қилиб, наттагина муваффақиятларга эришганликларини хурсандчилик билан маълум қиламиз. Областимизда чорвачилик юксак суръатлар билан ривожланмоқда, маҳсулот етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида гўшт тайёрлашнинг белгиланган ҳажми 109 процент, сут — 119, тухум — 104 ва жун — 118 процент бажарилди. 1979 йилнинг ўзидагина гўшт тайёрлаш 18 процент, сут тайёрлаш — 8,4, тухум тайёрлаш — 22 процент ошди. Чорва ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут миқдори 3320 килограмм ёки 1978 йилга нисбатан 100 килограмм кўп бўлди. Давлатга топширилаётган қорамолнинг ўртача вазни 410 килограммга, товуқлардан олинаётган тухум 176 тага етди.

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини, Пленумдаги нутқингизда баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни астойдил мамнуният билан қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Область чорвадорлари Пленум қарорларига амалий ишлар билан жавоб бериб, ҳамда ўз имкониятлари ва резервларини таниқли таҳлил қилиб, 1980 йилда фермалар маҳсулдорлигини кескин кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирларни белгиладилар. Улар колхозлар, совхозлар, давлат ва кооператив хўжаликларида гўшт етиштиришни 1979 йилга нисбатан 25 процент, сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 27 процент ошириш учун курашишга аҳд қилдилар.

Корхоналар, муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликларида ва аҳолининг якка хўжаликларида чорвачилик янада ривожлантирилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бизга беҳаҳо ёрдам беримоқда. Азиз Леонид Ильич, шахсан Сизнинг ташаббусингиз билан қабул қилинган бу қарор тармоқни саноат негизига ўтказиш билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал этади ва яқин йиллардаёқ фермалар маҳсулотини кескин кўпайтиришнинг кўзда тутади.

Бунинг учун партия Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга астойдил миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Мустаҳкам ем-хашак базасининг вужудга келтирилиши чорвачиликни юксалтириш соҳасида белгиланган программа бажарилишини таъминлаш ишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бизнинг ем-хашак етиштиришни кескин яхшилаш тадбирларини белгилаб олдик. Ҳамма жойда ем-хашак етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашнинг илғор технологияси жорий этилмоқда. Бу йил суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш асосида ҳар гектар ердан 180—200 центнер беда пичани, 600 центнер силосбоп маккажўхори, 600 центнер илдиз мева, 80 центнер маккажўхори дони олишга қарор қилинди.

Область чорвадорлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш соҳасида белгиланган марраларга эришишга азму қарор бергандар. Ҳозирги вақтда фермалар ходимларининг асосий эътибори чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга қаратилган. Ҳамма жойда озуқа цехларининг тўхтовсиз ишлаши, ем-хашакдан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилган, ем-хашакни сақлаш ва тайёрлаш технологиясига қатъий риоя этилмоқда.

Азиз Леонид Ильич! Тошкентликлар жонажон партиянинг режаларини муваффақиятли бажармоқ учун куч ва ғайратларини аямайдилар. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, деб партия ленинчи Марказий Комитетини, Сиёсий бюрони, шахсан Сизни областнинг барча меҳнаткашлари номидан ишонтирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЖИЗЗАХ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 21 февраль. (ЎзТАГ). Чорвачиликни янада интенсивлаш масалалари қўриқ область илғор чорвадорларининг бугун бўлиб ўтган қурултойи қатнашчиларининг диққат марказида турди. Қурултойда ўтган йилги иш якунлари кўриб чиқилди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган талаблар асосида 1980 йилги вазифалар белгиланди.

Бу ҳақда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Ғаллаорол район партия комитетининг биринчи секретари В. Х. Насриддинов, Бахмал райсиндаги «Рассвет» совхозининг директори Т. Сулаймонов, Зарбдор районидаги «Ударник» совхозининг чўчқабоқари Н. Д. Телегина, Фориш район партия комитетининг биринчи секретари С. Есимов, Жиззах районидаги «Москва» колхозининг сут соғувчиси Д. Исмонова, Фориш районидаги Ильич номли совхоз чўпони С. Пирназаров, «Джизакстепстрой» территориал-ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи П. Х. Кан, Октябрь районидаги Тимирязев номли совхоз партия комитетининг секретари Т. Сернев, область матлубот союзининг раиси К. Неъматов, Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом номли совхозининг боғ чўпони О. Сандиев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бош директори К. Шоднев ўз нутқларида область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари» тўғрисидаги қарорини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғи самарадорлигини ошириш соҳасида муайян иш қилганликларини таъкидладилар. Бироқ қурултойда уқтириб ўтилганидек, гўшт, сут, тухум ва чорвачиликнинг бошқа хил маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлида ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Аввало қолоқ хўжаликларни илғор хўжаликлар даражасига етказиш лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ВАТАНИМИЗ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Сайловчиларнинг А. Н. КОСИГИН билан учрашуви

Улуғ мамлакатимиз эришган ютуқларнинг ҳаммаси Коммунистик партиянинг халқ фаровонлиги ва бахт-саодати йўлидаги қаҳрамонона кураши билан чамбарчас боғланган. Пойтахт Фрунзе сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин билан 21 февраль куни Москвада — ССР Иттифоқи Большой театрида бўлиб ўтган учрашувида шу фикр уқтириб ўтилди.

В. В. Гришин, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталари раислари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари йиғилиш президиумига чиқдилар.

Йиғилишни КПСС Фрунзе район комитетининг биринчи секретари Б. А. Грязнов очди.

Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини яқдиллик билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Большевик» кондитер фабрикасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Ожина А. Н. Косигининг ҳаёт йўли, давлат ва жамоат фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Пойтахт ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари КПСС-нинг доно, ижки ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Барча совет кишилари қатори москваликлар ҳам социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, планлар ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга интилмоқдалар. Иккинчи соат заводининг директори Д. А. Парамонов, 141-ўрта мактаб муаллимаси Г. П. Рязанова, СССР Фанлар академияси амалий математика институтининг бўлим мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик А. А. Самарский ва бошқа нотиқлар шу ҳақда гапирдилар.

Йиғилишда самимий кутиб олинган **А. Н. Косигин** нутқ сўзлади.

Ҳамиша бўлганидек, бу галги сайловда ҳам Коммунистик партия партиясизлар билан ягона блок бўлиб қатнашмоқда, деди у. Бу — сиёсий турмушимизнинг нормаси бўлиб қолди. Умумхалқ давлатида бутун халқ ўзининг синалган авангарди — Ленин партияси, унинг Марказий Комитети, атоқли сиёсат ва давлат арбоби, содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигида Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида жипслашган. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раисини бутун дунё аҳли тинчлик ва коммунизм иши учун матонатли курашчи, бутун ички ва ташқи сиёсатимизни ижодий ишлаб чиқишга ва самарали амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшаётган юксак обрў-эътиборли партия ва давлат арбоби деб билади.

Бу йил деди сўнгра нотиқ, ўнинчи беш йиллик тугайди. Партия Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида Леонид Ильич Брежневнинг нутқида бу йил беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди. Партиянинг бўлажак XXVI съезди беш йилликни якунлайди. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ шундай мумкинки, беш йил мобайнида мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали анча юксалади, мамлакатимиз олтмишинчи йилларнинг охирида эга бўлган ҳажмдаги асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга туширилади. Аҳолининг кундалик эҳтиёжларига ҳамда уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари объектларига қурилишига 1.600 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Еттинчи ва саккизинчи беш йилликларнинг ҳар иккаласида бу ишларга мана шунча маблағ сарфланган эди.

Ўртоқ А. Н. Косигин йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида пойтахтнинг Фрунзе райони барча меҳнаткашларига — ишчилари ва хизматчилари, инженерлари ва техниклари, фан ва халқ маорифи, санъат ва соғлиқни сақлаш ходимларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг қизғин саломини ҳамда меҳнатда, ижтимоий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар ва эсон-омонлик тилаб билдирган истагини топширди.

Биз ўз муваффақиятларимизни қайд этиш билан бирга, деди сўзини давом эттириб депутатликка номзод, ҳали ҳам ҳал этилмаган масалалар устида сабот билан ишлашимиз лозим. Партия бизни қилинган ишларга танқидий баҳо беришга, фойдаланилмай ётган имкониятларни очишга ўргатади. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари худди мана шу руҳ билан суғорилган. Бу қарорлар жорий халқ хўжалик масалалари доираси билангина чекланмайди. Бу қарорлар, аслида, узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат программасидир.

А. Н. Косигин экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига тўхталиб ўтди.

Нотиқ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, шунингдек машинасозлик ва бошқа тармоқлардаги вазифаларни батафсил таъриф лаб берди.

Партиянинг экономика, фан ва техника соҳасида белгилаётган ҳамма тадбирлари халқ фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат бош вазифамизни ҳал этиш учун мустаҳкам моддий база яратишга қаратилган. Партия халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш вазифасини кенг планда ўртага қўймоқда. Совет кишилари барча авлодларининг фаровонлигини ошириш устида, халқ турмушининг ҳамма соҳаларини, меҳнат ва дам олиш шароитларини — маориф ва турмуш шароитларини яхшилаш устида гап бормоқда. Ўн биринчи беш йилликда ва шундан кейинги йилларда халқ фаровонлигини юксалтириш ана шундай кенг позицияларда туриб таъминланади.

Депутатликка номзод бошқарувни такомиллаштириш сингари катта хўжалик-сиёсат соҳасидаги вазифага, планлаштириш, планларнинг илмий асосланиши борасида ўсиб бораётган талабларга тўхталиб, ҳозирги вақтда бошқарувнинг ташкилий структурасини яхшилашга оид таклифлар ишлаб чиқилаётганини айтди. Идора тарқоқлигини бартараф қилиш, тармоқ ва территориал бошқарувини бирбири билан яхшироқ уйғунлаштириш, тармоқ комплекс программаларига ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришга самарали раҳбарлик қилишни таъминлаш масалалари кун тартибида турибди. Ҳамма турдаги транспортнинг аниқ уйғун равишда ҳаракат қилишини таъминлаш, уни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини ишлаб чиқиш бенизоя муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги Конституция асосида ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, мамлакатнинг хўжалик турмушида ҳам халқ депутатлари Советларининг ролини, шунингдек меҳнат коллективларининг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалалар ҳал этилиши лозим. Партия Марказий Комитети билан ҳукумат мана шу масалаларнинг ҳаммаси ўз вақтида ва самарали ҳал этилиши учун зарур бўлган барча ишни қиладилар.

Халқимиз экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги ўз ижодий фаолиятининг реал натижаларини кўриб турибди. Бу — олга томон қиладиган ҳаракатимизнинг асосигина бўлмай, шу билан бирга жуда катта омили ҳамдир. Ҳозир ривожланишимизнинг эҳтиёжлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш билан, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш билан, халқ фаровонлигини янада ўстириш, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш билан боғланган.

Мамлакатимиз хўжалик қурилиши давомида йил сайин ўз куч-ғайратларини социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан тобора маҳкам бирлаштириб келмоқда. Ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар янги беш йилликка мўлжалланган, бир қанча ҳолларда эса бундан ҳам олисроқ даврга мўлжалланган ҳамкорлик программаларини фаол ишлаб чиқмоқдалар.

А. Н. Косигин халқаро вазият тўғрисида гапириб, ўз ташқи сиёсатининг ленинча принципларига, партия XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан Тинчлик программасига амал қилаётган Совет Иттифоқи тинчликсеварлик йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда, деб таъкидлади. Леонид Ильич Брежневнинг бир қанча нутқларида қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва ҳарбий соҳадаги кескинлик юмшатилишини таъминлашга қаратилган янги катта ташаббуслар ва таклифлар баён этилди.

Империалист кучларнинг урушқоқлик сиёсати, уларнинг дунёдаги янги реал аҳволни тан олишни қайсарлик билан истамаётганлиги, уларнинг жаҳон озодлик жараёнини тўхтатиш йўлидаги уринишлари халқаро вазиятнинг ҳозирги вақтда кескинлашганлигининг ҳақиқий сабабидир.

Биз халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатини бундан буён ҳам ўтказаверамиз, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи. Агрессив кирдикорлар қаердан чиқмасин, бу кирдикорларга нисбатан сергак бўлиб ва уларга зарба беришга тайёр туриб, кескинликни юмшатиш соҳасида кўп мамлакатларнинг узоқ вақт мобайнидаги куч-ғайратлари туфайли эришилган самараларни астойдил ҳимоя қиламиз.

Пировардида А. Н. Косигин бундай деди:

Партия билан халқнинг бирлиги — бизнинг совет социалистик турмуш тарзимизнинг энг ажойиб жиҳатларидан биридир. Жамиятнинг раҳбар ва раҳнамо кучи бўлмиш Коммунистик партия ўз сиёсатини ўтказишда, мамлакатни ривожлантириш планларини ишлаб чиқишда, коммунистик қурилишни ташкил этишда ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва халқ зиёлиларининг ҳаётбахш тажрибасига таянади. Партия сиёсатининг турмуш билан чамбарчас боғлиқлиги — бу сиёсат тўғрилигининг, бинобарин бу сиёсатни халқ сидқидилдан қўллаб-қувватлаши ва маъқуллашининг ишончли гаровидир. (ТАСС).

Сайловчиларнинг М. А. СУСЛОВ билан учрашуви

Беш йилликнинг якунловчи йили — ленинча ишлаш йилидир. Совет кишилари ўзларининг меҳнат зафарларини доҳий туғилган кунинг 110 йиллигига бағишламоқдалар.

20 февраль куни Тольятти шаҳрида Куйбишев область Автозавод сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Михаил Андреевич Суслов билан учрашуви қўлиб ўтди.

Учрашув қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Область меҳнаткашлари белгиланган планларни амалга оширишга, социалистик мажбуриятларни бажаришга, КПСС XXV съезди қарорларини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшишга қатъий қарор қилганлар. Автозавод районидаги «Теплоэлектроцентрал» директори Ю. М. Васин, «Спецпромстрой» трести шоферларининг бригадири А. С. Аверочкин ВАЗ созловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, депутатликка номзоднинг ишончли вакили С. В. Клейменов ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар ана шу ҳақда гапирдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган **М. А. Суслов** нутқ сўзлади. У айтдики, совет халқи сайловда партиянинг сиёсий йўлига, халқ авангарди, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг тинч, янада бадавлат ва маънавий жиҳатдан мазмунли ҳаётини таъминлашга қаратилган халқнинг барча куч-ғайрати, ташкилотчиси фаолиятига ўз муносабатини ёрқин намоён этмоқда. Партия билан халқнинг бирлиги тинмай мустаҳкамланиб бораётганлиги, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини меҳнаткашлар доимо қўллаб-қувватлаётганликлари ва маъқуллаётганликлари кенг таъкидланмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва раҳнамолик роли ўсиб бораётганлиги — ижтимоий тараққиётимизнинг объектив қонуниятидир. Партиямиз омманинг тарихий ижодкорлигига таяниб, Ленин белгилаб берган йўлдан комил ишонч билан олға бормоқда. Партия ва давлатнинг раҳбари арбоби, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси— Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет партияни бошлаб бормоқда. Л. И. Брежнев барча совет кишиларининг чуқур ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди ва жуда катта обрў-эътибор орттирди. Бу эса партиянинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишга Леонид Ильич қўшган ҳиссага, халқ фаровонлиги ва ер юзида тинчлик учун тинимсиз кураш олиб борганлигига берилган баҳодир.

Нотиқ мамлакат халқ хўжалигининг беш йилликнинг тўрт йили мобайнидаги иш якунларини таъриф лаб, Россия Федерацияси халқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берди, республика меҳнаткашлари мамлакатнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш умумхалқ ишига жуда катта ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

М. А. Суслов диққат-эътиборни ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам жадаллаштириш зарурлигига, мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланишга қаратиб, бундай деди: совет кишилари бутун ҳаётимиз яхшироқ ва бадавлатроқ бўлиши учун, ўн биринчи беш йилликни янгидан-янги тарихий ютуқлар билан кутиб олиш учун бундан буён ҳам мумкин қадар самаралироқ меҳнат қилишга интилишларига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Депутатликка номзод совет кишиларининг фаровонлигини тинимсиз юксалтириш, уларнинг моддий ва маданий талаб-эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш масалаларига тўхталиб ўтди. У партия беш йилликнинг тўрт йили учун шу соҳада белгилаган режалар бажарилганлигини таъкидлади.

Меҳнаткашларнинг ҳаётини яхшилаш учун аввалги сайловдан буён ўтган вақт ичида қилинган ишларнинг — меҳнат ва турмуш шароитларининг такомиллаштирилаши, кенг кўламда уй-жой қурилиши, маориф ва маданиятнинг ривож топиши, халқ соғлигини сақлашнинг яхшиланиши — буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг фидокорона меҳнати туфайли, Коммунистик партиянинг доно ва узоқни кўзловчи сиёсати туфайли қўлга киритилди. Партиямиз сайловни кутиб олатуриб ўзининг ана шу олий мақсадларига бундан буён ҳам оғишмай амал қилажагини тантанали равишда таъкидлайди.

М. А. Суслов ташқи сиёсат масалаларига ўтиб, бундай деди: Ватанимиз устида тинч осмон бўлиши, ядро ҳалокати хавфи таҳдидидан ҳоли бўлган ҳаётимиз —совет халқининг партияга, ҳукуматга, ўз депутатларига берган асосий наказидир. Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати халқаро кескинликнинг юмшатилиши ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун ўтган йиллар мобайнида ғоят кўп куч сарфладилар. Халқаро муносабатлар практикаси КПСС XXIV ва XXV съездларининг ташқи сиёсат йўли асосли ва самарали эканлигина тасдиқлади.

Империалистик реакция жаҳонда рўй бераётган прогрессив ўзгаришларга, реал социализм кучлари ва тараққиётнинг ўсишига қутуриб қаршилик кўрсатмоқда. Империалистик реакция буни ўзининг агрессив шум ниятларига ва халқларни эксплуатация қилишни кучайтириш режаларига таҳдид деб билади. Империалистик реакция халқларнинг тинчликка, социал тараққиёт ва мустақилликка бўлган интилишларига ҳалақит бериш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилмоқда. Бунда АҚШ империализми, аввало унинг ҳарбий-саноат доиралари алоҳида роль ўйнамоқда. Улар милитаристик васвасани кучайтириш билан қуролланиш пойгасидан янгидан-янги миллиард-миллиард фойда олиш имкониятини қидирадилар. Кейинги вақтда улар халқаро вазиятни мушкуллаштириб юбордилар.

Мураккаб халқаро шароитда Совет Иттифоқининг сиёсати принципиал ва изчил сиёсат бўлиб қолмоқда. Биз ҳозир ҳам ер юзида сиёсий муҳитнинг яхшиланишига эришишга ҳаракат қиламиз, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатини ўтказаверамиз. Биз томонларнинг баб-баравар хавфсизлиги принципига амал қилиб, совет кишиларининг тинч меҳнати ҳамиша пухта ҳимоя қилинган бўлиши учун Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаверамиз. Бизнинг позициямиз давлатлараро муносабатларнинг барча йўналишларида, шу жумладан қуролланиш пойгасини тўхтатиш мақсадида ҳалол тенг ҳуқуқли музокаралар олиб боришдан иборатдир.

Империалистик агрессия ва реакция кучлари дунёни «совуқ уруш»та қайтара олмасликлари, халқаро кескинликнинг юмшатилишини бутунлай барбод этмасликлари учун КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ҳамма ишларни қилмоқдалар. Биз, кескинликнинг юмшатилиши замон амри эканлигига ҳозир ҳам аминмиз. Бинобарин халқаро реакция кескинликнинг юмшатилишини улоқтириб ташлай олмайди.

Нотиқ пировардида бундай деди: ҳамиша голиб марксча-ленинча таълимотга содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жамиятимиз демократиясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун, халқ ҳокимиятини янада тўлароқ қарор топтириш учун доимо курашиб келди. Совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги социалистик демократия принципларини ўтказувчи ва гарантияловчи бўлган КПСС ҳозир ҳам ана шу йўлдан комил ишонч билан олға бормоқда.

Шак-шубҳа йўқки, сайлов партия билан халқ бирлигининг яна бир яққол намойиши бўлади. Халқ депутатлари номзодлари учун берилган овоз, — партия билан Совет давлатининг сиёсатини маъқуллаган овоз бўлади, Ватанимизни янада равнақ топтириш учун, бутун совет халқининг бахт-саодати учун берилган овоз бўлади.

(ТАСС).

ЖИЗЗАХ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

(Бошы биринчи бетда).

Қурултойда шундай бир мисол келтирилди: илғор колхоз ва совхозларда қорамолларнинг ўртача суткалик семириши областдаги ўртача даражадан 300 грамм кўпдир. Пахтакор районидаги А. Икромов номли, «Самарқанд», Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли, Мирзачўл районидаги «Тошкент» совхозларининг молбоқарлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Амалда ҳар бир хўжаликда молларнинг юксак маҳсулдорлигига эришиш мумкин эканлиги уқтириб ўтилди. Бунинг учун молларни парвариш қилишни яхшилаш, меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш зарур.

Қурултой иштирокчилари ферма ва комплекслардаги молларни зотли моллар ҳисобига кўпайтириш учун наслчилик ишини яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Чўчқачиликни ва паррандачиликни янада тез суръатлар билан ривожлантириш учун барча чораларни кўриш лозим. «Ударник» ва «Рассвет» совхозларининг тажрибаси ана шу тез етиладиган тармоқнинг афзалликларидан далолат бериб турибди. Бу совхозларда бир йилда 300 тонна гўшт етиштириш имконини берадиган йирик чўчқачилик комплекслари барпо этилган. Озуқа етиштириш ва тайёрлаш масаласига катта эътибор бериш лозимлиги уқтириб ўтилди. Ҳар бир хўжаликда ем-хашак етиштириш ва тайёрлаш учун ихтисослашган хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадалар тузиш керак. Суғориладиган майдонларнинг самарадорлигини ошириш, дейилди сўзга чиққан нотиқлар, яқин келажакдаги вазифадир. Беда ҳосилдорлигини ошириб, ҳар гектар ердан 200 центнергача пичан олишга, 100 центнергача маккажўхори дони ва 450—500 центнердан кўкпоя етиштиришга эришиш керак. Озуқабоп экинлар етиштириш, табиий яйловларни экинзорларга айлантириш, суғориш агротехникасини яхшилаш зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ниҳоясига етказиш, барча молларни сақлаб қолиш зарурлиги қурултойда таъкидлаб ўтилди. Чорвачиликни ривожлантириш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши қишлоқ хўжалигининг ана шу тармоғида меҳнат қилаётган одамларга боғлиқ. Ҳар бир ходим ўзига топширилган соҳа учун масъулиятни сезиши, тадбиркорлик кўрсатиши, илғор тажрибани эгаллаши лозим.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Гўшт етиштиришни 23 процент, сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 28 процент кўпайтиришга қарор қилинди. Қурултой иштирокчилари областдаги барча чорвадорларга мурожаат қилиб, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашишга даъват этдилар.

Тошкент области. Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозининг сут-товар фермаси коллективи янгиловчи йил топшириқларини барвақт бажариш учун ҳаракат қилмоқда. Суратларда: илғор сут соғувчилардан Қ. Келесбоева (юқорида). У йил охиригача ҳар бош сигирдан 3800 килограммдан сут соғиб олиш ниятида. Шу ферманинг бузоқбоқари Р. Ҳалимбетова ўз боқувидаги бузоқларни меҳр билан парвариш қилмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ФАХРЛИ СОВРИН

Ватанимиз пойтахти Москвадан — Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидан Сирдарё область маданият бошқармасига хушхабар келди. Унда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари кўрик-конкурслари ғолибларининг Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ кўригида «Гулистон» вокал-чолғу ансамбли фахрли иккинчи ўринни олгани маълум қилинади.

Ансамблнинг 60 га яқин ижодий коллективи орасида ғолиблар сафида бўлганлиги областнинг барча санъат ихлосмандларини қувонтирди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНЯПТИ

● ҚУМБОСГАН МАССИВИ АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАНИНГ АСОСИЙ ПАХТА БАЗАСИГА АЙЛАНАДИ.

● ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ПАХТА МАЙДОНИНИ 6 МИНГ ГЕКТАРГА, ЯЛПИ ПАХТА ХИРМОНИНИ 18—20 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗАМИЗ.

● КАМ ҲОСИЛЛИ БРИГАДАЛАРНИ ЮҚОРИ ҲОСИЛЛИ БРИГАДАЛАР ҚАТОРИГА ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎШИМЧА МИНГ ТОННА ПАХТА ОЛИНАДИ.

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида пахтачиликни комплекс механизациялаш асосида ривожлантириш тезкорлик билан олиб бориляпти. Янги ерлар ўзлаштирилмоқда, ирригация-мелиорация ишлари кучайтириляпти, янги совхозлар тузиляпти. Айни кезда деҳқончилик маданиятини кўтариш йўли билан фойдаланиб келинаётган ерларнинг унумдорлиги оширилмоқда.

Пахта майдонларини янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш ҳақида гап борганда поёнсиз «Қумбосган» массиви тилга олинади. Бу бежиз эмас. Массивда асрлар бўйи чорва моллари, хусусан, қўй боқилгани сабабли тупроқ таркибида органик ўғитлар кўп, ер эса текис. Демак, массивни техника ёрдами билан ўзлаштириб, деҳқончилик қилиш, пахта етиштириш, ҳосилдорликни кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Совхозимиз коллективи ана шуларни ҳисобга олиб, «Қумбосган» массивига биринчилардан бўлиб қўл урди. Дастлабки йилдаёқ сарфланган маблағ беҳуда кетмаслигига ишонч ҳосил қилинди. Қаҳа Тайлоқов, Абди Авазмуротовлар бошлиқ бригадаларимиз «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдилар. Шунисн диққатга сазоворки, массивда чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машиналар ёрдамида амалга оширилди.

Янги ерларни ўзлаштириш хўжаликка нечоғли катта иқтисодий фойда келтиришини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Ўтган йили эски зонада деҳқончилик қилган Сафарбой Назаров бригадасида ҳар бир ишловчи ҳисобига 4,1 тоннадан пахта етиштирилган бўлса, «Қумбосган» массивининг янги зонасидаги Абди Авазмуротов бригадасида ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилган пахта 22,2 тоннани ташкил этди. Пахтанинг сорти юқори, таннархи кўзда тутилганидан анча арзон бўлди. Чунки теримда қўл кучи ишлатилмади, борлиқ ҳосил «сангора»лар билан йиғиб-териб олинди.

Бригада аъзолари чўлга кўчиб чиқишди. Шу муносабат билан янги посёлка бунёдга келтирилди, пахтакорларнинг унумли ишлашлари, фаровон ҳаёт нечиришлари, чўлнинг тобора ичкарисн томон кириб боришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилди.

Совхозимиз пахтакорлари йил сайин катта меҳнат ғалабаларига эришмоқдалар. Она-Ватанга 16 минг 370 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ўнинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажардик. 1981 йил ҳосибига 330 тонна дурдона топширилди. Лекин эришилган муваффақиятлар билан чекланишга ҳақиқмиз йўқ. Давлатимиз биз пахтакорлардан янада кўпроқ, яна ҳам сифатли пахта кутяпти. Бунинг учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Ҳозир олдимизда икки муҳим вазифа турибди. Биринчидан, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, шу вақтга қадар деҳқончилик қилиб келинган ерларнинг унумдорлигини оширишимиз, иккинчидан, «Қумбосган» массивидан янада кўпроқ ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритишимиз, ҳар икки зонада ҳам ҳосилдорликни кескин оширишга эришишимиз лозим.

Ўтган йили совхозимиз бўйича уч бригада 60—70 центнердан, тўрт бригада 55—60 центнердан, беш бригада 50—55 центнердан, уч бригада 45—50 центнердан пахта хирмони кўтарди. Гелдиниёз Қурбонниёзов, Искандар Удақиличев, Оманмат Мамедов, Назаргули Оллашевлар бошлиқ бригадаларимиз ҳосилдорликда мусобақа ғолиблари деб топилди.

Бу бригадаларнинг юқори ҳосил етиштиришдаги тажрибаси шундан иборатки, ҳар қарич ердан унумли фойдаланилади, гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишига алоҳида эътибор берилади. Ҳар гектар майдонда, тупроқ тузилишига қараб, 120—130 минг тупгача ниҳол бўлиши таъминланади, шу ниҳоллар мавсум охиригача сақлаб қолинади. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ғўза парваришн энг яхши агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказилади. Механизаторлар, чопиқчилар, сувчилар, химизаторлар ҳар тун ғўзанинг соғлом ва серҳосил бўлиб ўсиши учун астойдил курашади.

Бироқ совхозимизнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан кам ҳосил олаётган бригадалар ҳам йўқ эмас. Хўш бу коллективларда об-ҳаво, ер, сув, иқлим шароити бир хил бўлгани ҳолда нима сабабдан кам ҳосил олиняпти? Гап шундаки, қайси бригадага ташкилотчи, техникага ихлосманд, янгиликни қўлдан келиб қувватлайдиган кишилар бошчилик қилса, ўша жойда юксалишга эришиляпти. Биз масалага жиддий ёндашдик, бригадаларимизни ўқимишли, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамладик. Шу йилнинг ўзидагина нисбатан кам ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш йўли билан қўшимча бир минг тоннага яқин пахта олишни режаладик.

Теримни комплекс механизациялаш борасида катта ишлар қилиняпти. Ҳар йили ёшлардан 50—60 механизатор тайёрланяпти, барча механизатор кадрларимиз ўқитилиб, уларнинг малакаси ошириляпти. Кўплаб янги техника воситалари харид қиляпмиз. Ўтган йили тайёрланган ялпи ҳосилнинг деярли 70 проценти «сангора кема»ларда терилиши бунинг самарасидир.

Лекин бу борада ҳали кўп иш қилишимиз, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишимиз керак. Булар нималардан иборат? Янги тракторлар, пахта териш машиналари кўплаб харид қилиниши муносабати билан хали хизматини тўла ўтаб бўлмаганлари муддатидан илгари рўйхатдан чиқариб юбориляпти. Ваҳолонки, қарови яхшиланса, ўша техника воситаларидан ҳам яна узоқ вақт фойдаланиш мумкин ва лозим. Механизаторларнинг бир қисми турли сабабларга кўра ўз соҳасида ишламаяпти. Оқибатда чопиқ тракторлари, пахта териш машиналарини тўла икки сменада ишлатишнинг иложи бўлмаяпти. Механизаторлар қайси ишда ишламасинлар, уларни ўз соҳасига қайтаришимиз ва самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришимиз лозим.

«Қумбосган» массивининг истиқболи порлоқ. Биз кейинги уч йилда чўлдан 910 гектар янги ер очдик, бу йил яна 400 гектар ер ўзлаштирамиз. 1980 йилда совхозимиз 5 минг тонна пахта тайёрлайди. Экин майдонларини кенгайтира бориб, яқин йилларда пахта майдонини 6000 гектарга, етиштириладиган ялпи пахта миқдорини эса 18—20 минг тоннага етказамиз.

«Қирккизсовхозводстрой» трести, унинг кўчма колонналари «Қумбосган» массивида ер ўзлаштириш, обод ишчи посёлкалари бунёдга келтиришда катта ишлар қиляпти. Фақат бизнинг совхозимизга қарашли территорияда ўнлаб жамоат биноларн, уй-жойлар, касалхона, болалар боғчаси қурилди. Бошқа қурилишлар ҳам тезкорлик билан олиб бориляпти. Лекин сифатга етарли эътибор берилмаяпти, тўла битказилмаган биноларн, йўлларни фойдаланишга топшириш ҳолдари юз беряпти. Дала шийпонлари, чорва биноларн қурилиш сусткашлик билан олиб бориляпти.

Янги ўзлаштирилган ерларни фойдаланишга топширишда ҳам камчиликлар бор. Гоҳ ер экин экишга вақтида тайёрланмаса, гоҳ суғоришн иншоотлари кеч қуриб битказилади. Бу камчиликлар зудлик билан тугатилади деган умиддамиз.

Қишнинг сўнги ойи тугаяпти. Баҳор яқинлашиб қолди. Ҳадемай дала ишлари бошланади. Совхозимиз пахтакорлари кўкламни ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Ер ҳайдаш, чопиқ тракторлари, сеялкалар ва бошқа техника воситалари дала ишларига шайлаб қўйилди. Чигит экиш экипажлари комплектланди. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ҳар гектар ер ҳисобига 25—30 тоннадан органик ўғитлар жамғарилди, минерал ўғитлар ташиб олинди. Яқин кунларда уруғлик чигит тайёрлашга киришамиз. Механизаторларимиз отрядларга бирлитиб чиқилди, ҳал қилувчи участкаларга коммунистлар, мутахассислар қўйилди. 1980 йилни ленинчасига, зарбдорчасига ишлаш йилига айлантирамиз.

Ў. МАТНЕПЕСОВ,
Тўртқўл районидаги «Ленинизм» совхози директори.

НАВОИЙ КОТОРАНИ ҲОСИЛ ҚИЛИНДИ

НАВОИЙ, 21 февраль. Бугун ёш корхона — Навоий электрохимия заводининг меҳнат биографиясида шонли • кун — ғўзани химиявий ўтоқ қилишдаги самарали восита — узоқ муддат таъсир кўрсатувчи гербицид модда бўлган которан олинди. Мамлакатимизда которан ишлаб чиқариш илк бор ташкил қилинди.

Совет Иттифоқидаги мингдан ортиқ корхона, ГФР ва Швейцариянинг машинасозлик фирмалари бу ерга, Малинчўлга машина ускуналар юборди. Ўрта Осиё учун одатдан ташқари ишлаб чиқариш — хлорни синтез қилувчи корхона монтажчилари қатор қийинчиликларни бартараф этишларига тўғри келди. Янги заводни ишлатувчилар янги касбни ўзлаштириб олиш учун анча-мунча куч-ғайрат сарфладилар. Уларнинг иши натижасида Ўзбекистон далаларида пахта етиштириш яна кўпаяди. Чунки мўъжизакор которан порошоги маданий ўсимликларга ҳеч бир зарар етказмагани ҳолда жамики бегона ўтларни қуритади ва шу орқали пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 2—3 центнер кўпайтиришга имкон беради.

Химиклар февраль ойидаёқ Бухоро областининг хўжаликларига дастлабки 50 тонна которан етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Навоий индустрияси бухороликларнинг беш йиллик якунловчи йилига мўлжаллаган юксак маррага чиқишларига: камида 700 минг тонна ёки ўтган йилги натижадан қарийб 100 минг тонна кўп пахта териб олишларига ёрдам беради. Электрохимия заводи ҳар йили жами 2 минг тонна которан ишлаб чиқара олади. Бу юз мингдаб гектар пахтазорларни ўтоқ қилишга етади.

Завод қурилиши давом этмоқда. Икки йилдан сўнг ўсимликларни муҳофаза қилувчи бошқа хил самарали воситалар — акрекс ва трефлан ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш мўлжалланади. Ўзбекистон геологлари заводдан сал нзрида очган катта тоштузи конидан фойдаланиш қишлоққа химикатлар етказиб беришни кўпайтиришда ёрдам беради.

А. ФОЗИЛОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

БИНОКОРЛАРГА «САМОВИЙ» МУКОФОТЛАР

Совет космонавтларини тайёрлаш марказн — Звёздний шаҳарчасида 19 февраль куни 1979 йилги социалистик мусобақада ғолиб чиққан қишлоқ бинокорларининг катта бир группасини кутиб олдилар.

Маданият уйида ғолибларга планетанинг биринчи космонавти Юрий Гагарин номли фахрий вимпелар топширилиши муносабати билан уларни шарафлаш маросими бўлди. Президиумда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, коинот забтнорлари, Москва жамоатчилигининг вакиллари бор эди.

СССР қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосари И. Т. Филин ҳозир бўлган нишиларни «самовий мукофот» билан табриклаб, уларга катта муваффақиятлар тилади.

Фарғона областидаги 9-қурилиш трестининг 4-механизациялашган кўчма колоннасидан Т. Еттибоев, Сурхондарё областидаги 11-қурилиш трестига қарашли 7-механизациялаштирилган кўчма колоннадан У. Абдуллаев бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадалар юксак мукофотга сазовор бўлди. Жиззах областидаги 27-қурилиш трестига қарашли 7-механизациялаштирилган кўчма колоннанинг Е. А. Прохоров бошчилик қилаётган хўжалин ҳисобидаги комплекс бригадасига фахрли вимпел берилди.

Қишлоқ қурилиши коллективлари мусобақасининг илғорларига Юрий Гагарин номли вимпелларни СССР космонавтучувчиларидан икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари А. А. Губарев, П. И. Климук, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Рождественский топширдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

— Бизнинг Самарқанд олий ҳарбий автомобиль командирлари билим юртн Совет Армияси жангчиларининг шонли анъаналарини давом эттирмоқда. — Мана шу олий ҳарбий мактабда очилган ўқув телемарказининг биринчи кўрсатуви шу сўзлар билан бошланди.

Телевидение — ўқитиш техникавий воситалари мураккаб комплексининг асосий элементларидан бири бўлиб, булар техника жиҳатидан билимдон, маълумотли, мураккаб жанговар вазиятда бўлиб ўтадиган бошқариш маҳоратини мукаммал эгаллаб олган замонавий офицерларни тайёрлаш имконини беради. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль командирлари билим юртини битириб чиққан кишилар қаерда хизмат қилмасин, улар тўғрисида ҳамма жойдан яхши мақтовлар келиб турибди. Самарқандликлар ўзларининг ҳарбий бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Билим юртининг ўқув-моддий базаси бунда талайгина роль ўйнайди. Янги лаборатория комплексининг корпуслари жуда тез қад кўтарди. Бу комплексни курсантларнинг ўзлари офицерлар билан ўқитувчилар раҳбарлигида барпо этдилар. Бу ерда илғор ҳарбий автомобиль техникаси жанговар парадда бўлганидек, саф тортиб турибди.

Бўлажак мутахассис ана шу техникани бекаму кўст бошқариши керак. Даставвал тренажерда куч синаб кўрилади. Йўлнинг асфальт лентаси ғилдираклар остида орқада қолмоқда, рўпаралар ҳар хил маркадаги машиналар ғизиллаб келмоқда. Гарчи курсант мавсус синфдан чиқмаган бўлса-да, ҳамма нарса ҳақиқий автомобиль рулини бошқараётгандек туюлади. Бошқаришда озгина бўлса-да, хатога йўл қўйилганлигини ёки йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини сезгир электрон аппаратлар қайд этиб боради. «Машқда оғир бўлса, жангда енгил бўлади» — ҳозирги курсантлар Суворовнинг ана шу сўзларига амал қилмоқдалар. Тренажерда ўтказилган ўнлаб соат вақт тўфайли автомобиль дарсида машина қайдашдан аъло баҳолар олинади. Очиқ ҳаводаги ана шу жуда катта синфни ҳам курсантларнинг моҳир қўллари жиҳозлаган.

Автотехника таъминоти кафедрасида курсант бўлиш мани синфда гуриб бошқариши мумкин. Алоқа воситалари, чўнтак компьютерларигача бўлган ҳар хил техника асбоб-анжомлари курсантлар хизматида. Ўқитувчи махсус пультда турибўз шогирдларининг ҳаттиҳаракатини назорат қилиб боради. Электроника — ҳарбий автомобилларнинг яхши дўсти. Моторларни синаш лабораториясида электроника куч установкаларининг олисдан бошқаришни таъминлайди, уларнинг ҳолатини анализ қилиш учун зарур маълумотларни беради. Таълимнинг юксак сифати армияни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Чунончи, 1979 йилда билим юртини битириб чиққан кишиларнинг бешдан бир қисми имтиёзли диплом олди.

Совет Армияси жасур кишиларни вояга етказади. Бўлғуси офицерлар буни тинч даврда амалда исботладилар. Самарқандаги корхоналарнинг бирида ёнғин чиқди. Курсантлар ёнғинга қарши отландилар. Капитан Ю. И. Рудченко командир бўлган рота курсантлари беш соат мобайнида кураш олиб бордилар. Кўп минг сўмлик халқ бойлиги қутқариб қолинди.

Курсантлар Самарқандлиқлар сабоқларини ўтказмоқдалар. «Зарница»нинг ёш армиячилар отрядлари қарбий ишни ана шу курсантлар раҳбарлигида ўрганмоқдалар, «Орлёнок» ҳарбий спорт ўйинининг қатнашчилари «жанга» бормоқдалар.

Бўлажак лейтенантлар ўрнак олса арзийдиган кишилар бор. Билим юртининг бошлиги генерал-майор Анатолий Петрович Редько — кўпни кўрган автомобилчи, ҳарбий сулола асосчиси, армиядаги хизматни олдий аскарликдан бошлаган. Ў Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси бўлиб 14 та жанговар мукофот билан тақдирланган. Ўғиллари ҳам отасининг изидан бордилар. Тўнғич ўғли Валерий ҳозирдаёқ капитан унвонини олган, ўртанча ўғли Игорь — старший лейтенант, кенжаси Олег эса Самарқанд билим юрти курсанти погонини шараф билан тақиб юрибди.

Мамлакатдаги 30 миллат ва элатнинг вакиллари пухта билим олмоқдалар. Самарқандликлар шу олий ҳарбий билим юртининг талабаларини меҳр билан «Кремль курсантларининг укалари» деб аташади.

В. ФЕНЮТИН,
(ЎзТАГ мухбири).

Самарқанд.

Янги марралар сари

«ЎЗПЛОДООВОШЧВИНПРОМ» БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОҒДОРЧИЛИК ВА ЎЗУМЧИЛИК СОВХОЗЛАРИ ТРЕСТИНИНГ «ҚОРАСУВ» САБЗАВОТЧИЛИК ВА СУТЧИЛИК СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

«Қорасув» сабзавотчилик ва сутчилик совхозининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорини амалга ошира бориб, 1979 йилги планни ва социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарди. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йилги ноябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи совхоз меҳнаткашларини янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантирди. Совхоз коллективи В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирди ва 1980 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятни олди:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг барча турларини етиштириш ва топириш юзасидан беш йиллик план муддатидан илгари бажарилади. Бу йил маҳсулот етиштириш ҳажми 1979 йилдагига нисбатан 1,2—1,3 баравар кўпайтирилади. Планда кўрсатилган 9,7 минг тонна ўрнига 11 минг тонна сабзавот, 737 тонна ўрнига 900 тонна сут, пландаги 41 тонна ўрнига 60 тонна гўшт етиштирилади. Ҳар гектар майдондан 300 тоннадан — пландагидан 1,4 баравар кўп сабзавот йиғиштириб олинади, ҳар бош соғин сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олинди, план 1,3 баравардан ошириб бажарилади. Тошкент шаҳри аҳолисига 6 минг тонна сабзавот, 700 тонна сут, 55 тонна гўшт етказиб берилади.

Хўжаликни социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ совхоз ходимларининг меҳнат шароити ва дам олиши яхшиланади, қўшимча равишда учта мавсумий болалар боғчаси-яслиси ташкил этилади, мактабгача болалар муассасалари бепул сут билан таъминланади.

Социалистик мажбурият «Қорасув» совхози коллективининг умумий мажлисида муҳокама этилиб қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

ҚИШЛОВ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Республикамиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қарорида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш, чорва қишловини соз ва беталофат ўтказиш йўли билан тўлиқ сони, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга мустаҳкам замин яратиш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳозир ҳамма хўжаликлар, давлат ташкилотларида асосий эътибор пойтахт Тошкент области ва Бухоро областининг Ғиждувон райони чорвадорлари ташаббуси асосида ғўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтиришга қаратилмоқда ва катта ютуқларга эришилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам республикамиз бўйича Сирдарё районидаги «Малик» совхози, Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникуми, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози ва яна бир неча хўжаликдагина ҳар бош сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олинар эди. Ҳозир республикамиз бўйича йигирмага яқин район ана шу маррадан ўзиб кетди. Калинин, Тошкент, Оржоникидзе, Чиноз, Кува, Самарқанд, Қамаши ва бошқа қатор районлар шулар жумласидандир.

Республикамизнинг 24 хўжалиги сут етиштиришда айниқса юқори кўрсаткичларни қўлга киритди. Бу хўжаликларда ҳар бош сигирдан соғиш даврида ўртача 4 минг литрдан серҳаймоқ сут олинмоқда. Тошкент областининг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Жиззах районидаги «Москва», Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозлари, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози ва бошқа қатор хўжаликларда ҳар бош сигирнинг сути 4500—5000 литрга етказилди. Ўнинчи беш йиллиннинг якунловчи босқичи — 1980 йилни ҳар бош сигирдан 5000—6000 литрдан сут соғиб олиш билан якунлаш учун курашаётган соғувчилар сони йил сайин кўпайяпти, 100—150 тоннаси соғувчилар сафи ҳам тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красноводопад» экспериментал базасининг оператор-соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная агрегатлардан оқилона фойдаланиш йўли билан 170 дан зиёд сигир соғяпти, маҳсулдорликнинг юқори бўлишига эришяпти. У ўтган йили тайёрлов пунктига 800 тоннадан зиёд сут соғиб топширди, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлади.

Колхозлар ва совхозларда йирик сутчилик комплекслари қурилмоқда, замонавий механизм-агрегатлар ўрнатилмоқда, чорва моллари-га озуқа етказиб бериш, оғилхоналарни тозалаш ва бошқа сермеҳнат ишлар машиналар гарданига ортилмоқда. Соғувчиларнинг малакаси оширилмоқда. Бундай шароитда битта соғувчига 18—20 бош сигир бириктирилиши талабга жавоб бермайди. Ҳар бир хўжаликда вазиятни ҳисобга олиб, соғувчиларга бириктирилган сигирлар сонини янада кўпайтириш, техника воситалари қувватидан тўлароқ фойдаланиш чоралари кўрилиши керак.

Чорвадорлар сафи ўқимишли, ташкилотчи, ишнинг ўзини биладиган кадрлар ҳисобига мустаҳкамланмаслиги оқибатида айрим районлар, колхозлар ва совхозларда сут, ғўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда кескин ўзгариш юз бермаяпти. Бунга сигирларнинг қисир қолиши, кутилганча бузоқ олинмаслиги, ургочи чорва молларнинг ғўштга сўйилиши каби салбий факторлар ҳам сабаб бўляпти. Каттақўрғон, Ғаллаорол, Косон, Томди ва бошқа баъзи районларда шундай ахвол юз берди.

Пахтачилик, шоликорлик хўжаликларида, айниқса чўл зоналаридаги пахтакор совхозларда алмашлаб экиш кенг жорий этилиши туфайли кўплаб озуқабоп экинлар экиляпти, юқори ҳосил олиняпти. Ўша хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларида етиштирилаётган ем-хашак ҳисобига кўплаб чорва моллари, паррандалар сақлашни таъминлашлари зарур. Ҳар бир хўжаликда камида 400 бош қорамол, кўплаб қўй, чўчқа, парранда бўлишига эришилганда ҳам хўжалик аъзоларининг чорва маҳсулотларига бўлгани эҳтиёжи тўлароқ қондириладн, ҳам давлатга маҳсулотлар сотиш йўли билан қўшимча даромад олинади.

Чорвадорларимиз астойдил меҳнат қилиб, қийинчиликларни мардлик билан енгиб, чорва қишловини соз ўтказмоқдалар. Қишловнинг охирги кунларигача ҳам, ундан кейин ҳам чиқимга сира йўл қўйилмаслиги, сигирларнинг маҳсулдорлиги кўпайтириб борилиши даркор. Афсуски, айрим хўжаликларда сигирларнинг сути камайтириб қўйиляпти, қисир қолиш ҳоллари юз беряпти, кутилганча соғлом бузоқлар олинмаяпти. Ҳар 100 бош сигирдан юзтага етказиб бузоқ, ҳар 100 бош совлиқдан 150—160 тадан қўзи олишга эришаётган хўжаликлар, эгиз қўзи сонини икки юзтадан ошираётган бош чўпонлар, қорамолларнинг тирик вазнини 450—460 килограммга етказиб ғўштга топширaётган чорвадорларнинг ибратли ишлари ҳамма учун намуна бўлиши керак.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, эмёнлар кейинги йилларда ўз ҳонадонларида чорва моллари, паррандалар боқишни кенг йўлга қўйдилар, бу билан ғўшт, сут, тухум тайёрлашни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бундан кейин ҳам бу ташаббусни бутун чоралар билан кучайтириш талаб этилади. Ўзларида емхашак етиштириш йўли билан маҳсулотлар яратишни кўпайтираётган кишиларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир.

Завод-фабрикалар, қурилиш ташкилотларида ғўшт, сут, тухум етиштирадиган ёрдамчи хўжаликларнинг ташкил этилиши яхши самаралар бермоқда. Қува, Охунбобоев, Тошлоқ, Жиззах, Урганч ва бошқа қатор район матлубот жамиятлари ёрдамчи хўжаликларда маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришда ибратли ишлар қилмоқда. Илғорларнинг тажрибаси ҳамма жойда кенг қўлланилиши лозим.

Қўзилатиш мавсуми оммавий равишда бошланишига саноқли кунлар қолди. Хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим ишни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўрмоқлари лозим. Ургочи қўзиларни тери учун сўймаслик, ҳар юз бош совлиқ ҳисобига камида юзта қўзини ўстиришга қолдиришни таъминлайлик. Озуқабоп экинлар экишга пухта шайланайлик!

ДЎСТЛИК ВА ТЎЛА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

20 февраль куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Баъзи актуал халқаро проблемалар, шу жумладан Европадаги аҳволга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

А. А. Громико О. Фишер шарафига нонушта-зиёфат берди. Министрлар нутқ сўзладилар. Бу нутқларда Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги мусосабатларга қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик туйғулари ифодаланди.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг секретари П. В. Капитонов ва бошқа кишилар бор эди.

Тушдан кейин музокаралар давом эттирилди.

Қўшма ахборот келишиб олинди, бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

О. Фишер шу куниёқ ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ВАТАННИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНЛАРИ

Эртага Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

Совет халқи ҳар йили 23 февралда Қуролли Кучларимиз жангчиларини, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларини, Ватанни ҳимоя қилиб, жанговар постда турганларни шарафлайди. Владимир Ильич Ленин, Коммунистик партия барпо этган СССР Қуролли Кучлари ўз тарихий вазифасини — Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилиш вазифасини шараф билан бажарди ва бажариб келмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари, Армия ва флот жангчилари Совет Қуролли Кучларининг 62 йиллигини КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори муносабати билан сиёсий ва меҳнат активлиги янада юксалган бир шароитда кутиб олмоқдалар. Ҳамма жойда В. И. Ленин юбилейига, совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 35 йиллигига, КПСС XXVI съезднига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Совет кишилари партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик планларини бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Леонид Ильич Брежнев партия XXV съездига Ҳисобот докладида Қуролли Кучларимизни совет кишилари тинч меҳнатининг соқчиси, умумий тинчликнинг таянчи, деб атаган. Бу эса социалистик армиямизнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатиб турибди. Халқ билан бузилмас бирлик армиямизнинг куч-қудрати манбаидир. Ленинча партиямизнинг доно раҳбарлиги эса Совет Армиясини енгилмас кучга айлантирувчи бош манбадир.

Совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми армиямизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. У Варшава Шартномаси давлатларининг армиялари билан биргаликда тинчлик ва социализмни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни шараф билан оқламоқда.

Совет Қуролли Кучлари босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, унинг туғилиши ва бутун қаҳрамонона тарихи В. И. Ленин номи билан, Коммунистик партия фаолияти билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. В. И. Ленин марксизм асосчиларининг революцияни қурол кучи билан ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги ғояларини ижодий ривожлантириб, пролетар революцияси программасини ишлаб чиқди. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги таълимот бу программанинг негизини ташкил этади.

Қизил Армия ташкил топган дастлабки йилдаёқ юксак маънавий-сиёсий ва жанговар фазилатларини, мислсиз матонат ва қаҳрамонлигини бутун дунёга намоён қилиб, капиталистик мамлакатлар армияларидан устун эканлигини кўрсатди. Бевосита В. И. Ленин раҳбарлигида пролетар давлатининг ҳарбий санъати шаклланди, ҳарбий ишнинг ажойиб ташкилотчи кадрлари етишиб чиқди. Қизил Армия катта жанговар тажриба тўплади. Гражданлар уруши охирида Армияда 300 минг партия аъзоси бор эди.

Коммунистик партия ва совет халқи халқаро империализмнинг дастлабки хуружини қайтаргач, бутун куч-ғайратини социалистик жамият қуришга қаратди. Лекин душманлар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ниятидан қайтмаган эдилар. 1929 йил ёзида Узоқ Шарқда СССРни қуролли можарога тортишга уриниб кўришди. Хитой милитаристлари КВЖДни босиб олиб, чегара постимизга ҳужум қилдилар. Қизил Армия босқинчиларга кескин зарба берди. Япон милитаристлари 1938 йил августида Ҳасан кўли районида, бир йил кейин эса Халхин-гол дарёси яқинида чегараларимизнинг мустаҳкамлигини ва Қизил Армиянинг жанговар қобилиятини синаб кўрмоқчи бўлдилар. Бу ерларда ҳам душманга қақшатқич зарба берилди.

Иккинчи жаҳон уруши давлатимиз учун қаттиқ синов бўлди. Бу уруш биз учун ноқулай бир шароитда бошланди. Урушдан олдинги йилларда фашистлар Германияси улкан ҳарбий машина, жанговар техника ва қуролларнинг қудратли арсеналини вужудга келтирган эди. Бутун Европанинг иқтисоди ва ҳарбий ресурслари унинг ихтиёрида эди. Фашистлар армияси жанглларда тажриба орттирган, бунинг устига қўшинлар сони ва қуроллар жиҳатдан ҳам устун эди. 1941 йил 22 июнда Ватанимизга 190 фашист дивизияси, 4950 жанговар самолёт, 3712 танк, 47260 та тўп ва миномёт билан ҳужум қилинди. Фашист қўшинлари тўсатдан ҳужум қилиб ва ўз кучларининг устунлигидан фойдаланиб, асосий стратегик йўналишларда Ватанимиз ичкарисига бостириб кирди.

Бундай зарбага бошқа ҳеч қандай мамлакат бардош беролмаган бўлар эди. Бизнинг мамлакатимиз эса бардош берибгина қолмай, агрессорга муносиб зарба берди. Урушнинг ўша оғир кунларида Ленин партиясининг илҳомбахш, ташкилотчилик ва раҳбарлик роли ёркин намоён бўлди. Коммунистик партия душманга қарши курашнинг конкрет программасини ишлаб чиқди, урушнинг сиёсий мақсадларини аниқ белгилаб берди, ҳамма кучни Ватан ҳимоясига сафарбар қилди.

Совет Қуролли Кучлари мамлакатнинг иқтисодий қудратига ва халқимизнинг мададига таяниб, манфур душманга қарши мардона жанг қилди. Совет Армияси ўнлаб йирик стратегик операцияларни ўтказди. Москва остонасидаги жанг, Ленинград, Одесса, Севастополь мудофаси, қаҳрамонона Сталинград эпопеяси, Кавказ учун бўлган жанг, Курск ёйидаги жанг, Корсунь-Шевченко ва Белоруссия операциялари, Берлинга ҳужум қилиш ва бошқалар ҳарбий санъат намунаси сифатида тарихда абадий қолади.

Улуғ Ватан уруши совет жангчисининг маънавий жиҳатдан юксаклигини бутун дунёга кўрсатди. Жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Ватанимизнинг 11 мингдан ортиқ ўғил ва қизига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 7 миллиондан ортиқ жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди.

Коммунистлар армияни мустаҳкамловчи қудратли куч бўлди. 1945 йилга келиб, партия аъзоларининг деярли 60 проценти Армия составида эди. Энг қийин шароитларда- «Коммунистлар, олға!» деган чақириқ янгради. Бу шиор жангчиларни ғалабага даъват этарди.

Кўплаб халқлар кучи билан фашистлар Германияси ва милитаристик Япония тор-мор этилди. Бироқ урушнинг асосий қийинчилиги Совет халқи зиммасига, шонли Қуролли Кучларимиз зиммасига тушди. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси совет ижтимоий ва давлат тузумининг, марксизм-ленинизм идеологиясининг ғалабаси бўлди ва у совет жамиятининг буюк маънавий-сиёсий кучини ҳамда маънавий бирлигини намойиш қилди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Гитлер фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган ғалаба жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларга олиб келди. Бу ғалаба социализм ютуқларини мустаҳкамлаб, империализмни ожизлантирди. Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатлар халқлари капиталистик қулликдан озод бўлдилар. Қудратли жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Халқларнинг миллий озодлик кураши кенг авж олиб, мустамлакачилик системаси барбод бўлди ва мустақил миллий давлатлар вужудга келди. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашди. Буларнинг ҳаммаси жаҳон миқёсида кучлар нисбатини социализм фойдасига ўзгартириб борди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча тақшқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келди. Худди шу туфайли совет халқи 35 йилдан бери тинчлик шароитида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз тинчлик сиёсатини, тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашмоқда. Л. И. Брежневнинг 1979 йил 6 октябрда Берлинда олға сурган таклифлари тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу таклифлар нескинликни юмшатиш ва давлатларнинг тинч ҳамкорлигини мустаҳкамлашни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Бироқ жаҳонда Совет давлатининг ташаббуси маъқул келмайдиган кучлар бор. АҚШ ва бошқа НАТО мамлакатлари реакцион кучлари, Хитой гегемонистлари «совет хавфи» деган бўҳтон ниқоби остида нескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга қарши чиқмоқдалар, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга уринмоқдалар, бошқа мамлакатлар ички ишларига қўпол равишда аралашмоқдалар.

Бироқ Совет Қуролли Кучлари ўз тарихий миссиясини бажариб, Ватанимиз манфаатларини ҳушёрлик билан қўриқламоқда, туну кун жанговар вахтада турибди.

Совет Қуролли Кучлари шахсий состави Армиямизнинг 62 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 35 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажаришда янги ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Жангчиларимиз «Ленин васиятларини муқаддас билиб бажарамиз, жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирамиз, Ватан ҳимоясига, социализмнинг буюк ғалабалари ҳимоясига ҳамиша тайёр турамиз» шиори остида мусобақалашиб, жанговар маҳоратни қўлга киритиш ва давлат тузумининг, марксизм-ленинизм идеологиясининг ғалабаси бўлди ва у совет жамиятининг буюк маънавий-сиёсий кучини ҳамда маънавий бирлигини намойиш қилди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Гитлер фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган ғалаба жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларга олиб келди. Бу ғалаба социализм ютуқларини мустаҳкамлаб, империализмни ожизлантирди. Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатлар халқлари капиталистик қулликдан озод бўлдилар. Қудратли жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Халқларнинг миллий озодлик кураши кенг авж олиб, мустамлакачилик системаси барбод бўлди ва мустақил миллий давлатлар вужудга келди. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашди. Буларнинг ҳаммаси жаҳон миқёсида кучлар нисбатини социализм фойдасига ўзгартириб борди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча тақшқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келди. Худди шу туфайли совет халқи 35 йилдан бери тинчлик шароитида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз тинчлик сиёсатини, тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашмоқда. Л. И. Брежневнинг 1979 йил 6 октябрда Берлинда олға сурган таклифлари тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу таклифлар нескинликни юмшатиш ва давлатларнинг тинч ҳамкорлигини мустаҳкамлашни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Бироқ жаҳонда Совет давлатининг ташаббуси маъқул келмайдиган кучлар бор. АҚШ ва бошқа НАТО мамлакатлари реакцион кучлари, Хитой гегемонистлари «совет хавфи» деган бўҳтон ниқоби остида нескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга қарши чиқмоқдалар, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга уринмоқдалар, бошқа мамлакатлар ички ишларига қўпол равишда аралашмоқдалар.

Бироқ Совет Қуролли Кучлари ўз тарихий миссиясини бажариб, Ватанимиз манфаатларини ҳушёрлик билан қўриқламоқда, туну кун жанговар вахтада турибди.

Совет Қуролли Кучлари шахсий состави Армиямизнинг 62 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 35 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажаришда янги ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Жангчиларимиз «Ленин васиятларини муқаддас билиб бажарамиз, жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирамиз, Ватан ҳимоясига, социализмнинг буюк ғалабалари ҳимоясига ҳамиша тайёр турамиз» шиори остида мусобақалашиб, жанговар маҳоратни қўлга киритиш ва давлат тузумининг, марксизм-ленинизм идеологиясининг ғалабаси бўлди ва у совет жамиятининг буюк маънавий-сиёсий кучини ҳамда маънавий бирлигини намойиш қилди.

Полковник
А. ЮЛАШЕВ.

БАҲОРГА ҲОЗИРЛИК

КУЗГИ ЭКИН ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

Сурхон водийсининг ғалазорлари узра қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари пайдо бўлди. Кузги экинларга ҳаводан туриб минерал ўғитлар бериш бошланди. Авиаторлар Шеробод, Ленин йўли, Жарқўрғон районларининг хўжаликларида дастлабки 100 гектар ерга ишлов бердилар. Серёғин қиш кузги ғалланинг яхши ўсишига шароит яратди. Бошоқли экинлар экилган 58 минг гектар ернинг қарийб ҳамма майдонида ғалла қийғос униб чиқа бошлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, республикaнинг бошқа кўпгина хўжаликларида ҳам кузги буғдой ва арпа озиқлантирила бошланди. Қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари билан бирга ер устида юрадиган техника ҳам қўлланилмоқда. Қашқадарё, Самарқанд областлари, Фарғона водийсининг суғориладиган ерларига ўғит сеялкалари чиқарилди. Озиқлантириш энг яхши муддатларда ўтказилмоқда. Ёқиқан ёмғирлардан сўнг тупроқда кўп нам йиғилди. Бу ўғитнинг ўсимлик илдиз системасига тез сингишига ёрдам бермоқда. Ҳар гектар ер энг мақбул дозада — 60—80 килограммдан азот олмоқда.

Шу мавсум республикaнинг колхоз ва совхозларида жами ярим миллион гектар — планда кўзда тутилганидан қарийб икки баравар кўп кузги экинни озиқлантириш мўлжалланади. Айни маҳалда ғаллакорлар баҳорги ғалла экинларининга тараддуд кўрмоқдалар.

Намибия ватанпарварлари ўз авангарди — Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) раҳбарлигида озодлик курашини муваффақиятли олиб бормоқдалар. Улар мамлакат территориясини қонунсиз равишда босиб олган Жанубий Африка жазо қўшинларига қаршн янги зарбалар бермоқдалар. Суратда: СВАПО базасида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЮКС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕЛГРАД, 21 февраль. (ТАСС). Кеча бу ерда Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум жамиятда ЮКСнинг етакчи ролини янада ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бошқа масалалар, шу жумладан ёшларнинг роли ҳамда вазифалари тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Пленум ЮСФР Президенти ЮКС Раиси И. Броз Титога мактуб йўллаб, унинг теа орада согайиб кетишини тилаганлигини билдирди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ТАВСИЯСИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши янги давлат — Сент Винсент ва Гренадинани халқаро ҳамжамият аъзолигига қабул қилишни Бош Ассамблеяга тавсия этиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Карибденгизидаги бу кичик давлат 1979 йилнинг 27 октябрида мустақилликка эришди.

Ёш мустақил давлатни қабул қилиш тўғрисидаги илтимосни БМТ Бош Ассамблеяси ижобий қараб чиқса, Сент Винсент ва Гренадина халқаро миллатлар ҳамжамиятининг 153-аъзоси бўлади.

(ТАСС).

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Халқ номзодлари

ЗАМИНДАГИ КАМАЛАК

Саодат умрида биринчи марта камалакни кўрганда, қизалоқ эди. Тошкентни иккига ажратиб турувчи Анҳор бўйида у опаси билан гул теріб юрарди. Баҳор осмони бирдан чақмоқ билан ёришди, момақалдироқ гумбурлади. Гўё осмон тешилгандек жала қуйиб берди. Опа-сингиллар шалаббо бўлиб ивиб кетишган бўлсада, жала узоқ давом этмади. Худди шу пайт мўъжиза юз берди: ер товланувчан ранглар ила мислсиз гўзал осмон билан туташди. Қизлар уйга югуришди.

— Буни қаранг бувижон, — деб қичқиришди улар ҳаяжон билан. — Ғалати олов бостириб келяпти. Энди нима қиламиз?

— Эҳ, нодонгиналарим, ахир бу обиҳаҳмат — ёмғир, заминни тўйдиради. Унинг неча хил ранги бор? Кўп одамлар 40 хил рангни санашади. Мен сизларга айтиб қўяй, шойига шундай гул солишни ўрганинглар. Аждодларимиз қадим замонлардан шундай гул солиш санъатини билишган. Шоҳи газламалар подшоси — ҳонатласнинг товланаётганини кўряпсизми? Камалакни эслатмайдими у. Унинг заминдаги такрорланиши эмасми у?

— Мана бу эса палак, — бувиси духоба дастурхонни кўрсатди. — Мен унга гул тикяпман. У юлдузли осмонга ўхшайди, ўртасида эса қуёш нусхаси туради.

Ўшанда Саодат ипакдан нозик газлама яратувчи усталарни абирбандлар, яъни «нафосат рассомлари» деб аташларини билиб олди. «Нафосат суратини чизишни мен ҳам ўргансам бўларми-кин?» — Саодатда ана шундай орзу пайдо бўлди.

Онаси ва отаси қизларининг истагини ҳисобга олиб, бир неча йилдан сўнг уни бадиий буюмлар фабрикасига олиб келишди. Шўнниси қизиқки, бу фабрика Саодат биринчи марта камалакни кўрган Анҳор бўйида қурилган. «Ўша бўёқлар гойиб бўлмабди, тўкилиб кетмабди, заминга кўчибди» — деб ўйлади қиз. Саодат ажабланиб маҳлиё бўлиб туриб қолди. Юзлари қаяжондан чеварлар қўлидаги қизил духоба каби лов-лов ёнарди. Чевар қизлар бунча кўп! Ҳаммаси ёш, қувноқ, шойи газламаларга ўзлари тасвирини тушираётган ниҳол каби нозик. Қайси бирининг олдига борай, менинг иш жойим қаерда бўларкин?

Кадрлар бўлими ходимлари Саодатни баланд бўйли, хушмуомала аёл билан таништиришди.

— Ҳамида опа. Саодатни ҳам ёнингизга олинг. У ҳам сизга шогирд бўлсин.

Саодат биринчи гулни тикиб бўлгакда, Ҳамида опа қойил қолди:

— Чеварнинг невараси эканлигинг сезилиб турибди! Биринчи галдаёқ бундай гул тикиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Ҳа майли. Сенга энди бошқа топшириқ. Анқо деган афсонавий қуш бор. Айтишларича бу қуш қанотида кишиларга бахт келтирармиш. Шу қушнинг суратини чиз, Саодат.

— Қандай дарахт шохига чизай — сиреними, толми ёки қайрагочми?

— Яхшиси мевалари осилиб турган анор шоҳида бўлсин. Анор боғимиздаги мевалар подшоси, дастурхонимиз кўрки, минг дардга даво.

Албатта, Саодат бошқа қизлар каби афсонавий анқо қушини кўрган эмас. Лекин уни бутун қалби билан, бутун вужуди билан сезди. Ва унинг тасвирини туширди. Шоҳисўзана ўртасида гўзал қуш қанот қоқиб парвоз қилмоқда.

— Балли, синглим, — Ҳамида опа уни яна мақтади. — Ўзинг ҳам шу қуш каби қанот чиқаряпсан. Хўш, энди нима қилишимиз керак. Ҳа, мана.

Ҳамида опа «попон» машинасини кўрсатди. Бу ерда қўлда гул тикилмайди, машинада тикилади.

«Машинада гўзаллик яратиш мумкинми? — Саодат ўйланиб қолди. — Бу ерда планни, нормани бажариш керак. Ижодкорликка, фантазияга ўрин борми? Цехнинг ҳам номи ғалати — танбур цехи. Саодат танбур нималигини билади. У торли, ажойиб музика асбоби. Нега цехни ҳам танбур номи билан аташган? Айтмоқчи, уларнинг ўхшашлиги ҳам бор, — Саодат ўзига-ўзи жавоб берди. — Гулларимиз танбур торларига ўхшайди».

Саодат поток линияда ишлай бошлаганда ҳам унинг маҳорати сўнмади. Кун сайин унинг игнаси ўткирлашди. Илгари Саодат қадимги орнаментларни тиклаган бўлса, эндиликда ҳозирги ҳаёт белгиларини ифодаловчи янги гул шаклларини топа бошлади.

— У яратган нусхаларнинг ҳаммаси нодир, — дейди фабрика директори Ёқутхон Акбарова, — Духоба панно ёшлар ва студентларнинг VI жаҳон фестивалида, сўзана — Брюссельдаги жаҳон кўргазмасида, чойшаб — Лейпциг ярмаркасида юксак баҳо олди. Измир, Монреаль, Ғарбий Берлин ва Теҳрондаги халқаро кўргазмалар қатнашчилари унинг ишига тан берганлар.

— Мана, унинг ижодидан биттаси, — Ёқутхон Акбарова сўзанани ёзиб кўрсатди. Унинг ўртасида оппоқ пахтазорлар ва гуллаб турган боғлар марказида абадий барҳаёт Ильич образи тасвирланган.

Ўзингиз биласизки, палакда ҳамиша осмон тасвирланган. Саодат эса бунда ҳам ўз йўлидан борди. У тикган палакда Юрий Гагарин марказий фигура бўлиб қолди. Саодат қадимги ўзбек гул безакларини русларнинг нафис гул безаклари билан муштараклаштириб тикмоқда.

«Устозсиз шогирд йўқ, шогирдсиз устоз йўқ» деган нақл бор. Яқиндагина Саодатнинг ўзи чеварларнинг шогирди эди, энди эса ўзининг ёшдан ортиқ шогирди бор. Саодат ўз касби сирларини уларга саҳийлик билан ўргатяпти. Кечагина ниманиб, тортиниб турган кўпгина қизлар бугун ўз устозлари билан беллашишга ҳаракат қилишяпти. Меҳнат шон-шуҳрати тахтасида ҳам Саодатни жуда кўп ёш дугоналари — Маъмура Мирзаева, Дилбар Ёқубова, Маъмура Пўлатова, Мунаввар Мирзаева суратлари қуршаб турибди. Ҳурмат ҳам меҳнатга яраша. Яна бир муҳим жиҳати: қизлар шахсий беш йиллик планларини аллақачон бажариб қўйишган.

Тошкентлик машҳур тикувчи Саодат Тоҳирова икки чақириқ шаҳар Советининг депутати. Цех комитетининг раиси. Хотин-қизлар Советининг актив аъзоси. Эндиликда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган. Бу масъулиятли бурчларни адо этиш учун қандай вақт топяпти?

«Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деганлар донолар. Саодат ҳаммасига улгуряпти. У ҳамиша даднл одимлайди, халқ депутати ҳар қандай ҳолларда оқилона йўл тоқади. Мисол учун бир воқеани олиб кўрайлик. Ўтган йили болалар костюмлари ва чойшаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак эди. Коллективда шу проблема ҳақида бош қотирилди. Янги агрегатларни қаерга ўрнатиш керак? Пиғилишлардан бирида Саодат, резервларни узоқдан қидиришга на ҳожат, деди. Тикувчилик-гул солиш цехида технология жараёни такомиллаштирилса, янги топшириқни шу цехдагилар бажариши мумкин. Шу ернинг ўзида Саодат технология жараёнини қандай такомиллаштириш ғояларигини кўрсатиб, таклиф киритди. Ишни тезда йўлга қўйишди. Эндиликда Тошкент фабрикаси маркази қўйилган, чақалоқларга аталган чиройли комплектлар ҳеч жойда туриб қолмайди.

Келин-куёвлар учун аталган совға набори ҳам харидорларга маъқул келмоқда. Келин ва куёвлар янги квартираларини тошкентлик зардўзлар тиккан гуллар билан безашга уринмоқдалар.

Фабрикага бир марта келган киши бу ердан маҳлиё бўлиб чиқиб кетади. Бу ерда у гўзал қизларнинг афсонавий подшоҳлигига дуч келади. Шу қизлар қўлида сеҳрли гуллар пайдо бўлади. Ана шуларни кўрсангиз, осмонда пайдо бўлган камалак инсон қўли билан яратилган заминдаги гўзалликнинг аксигина деб ўйлайсиз.

Н. МУҚИМОВ,
«Правда» мухбири.
Тошкент шаҳри.

(«Правда», 1980 йил 19 февраль).

Оламда нима гап

Социализм мамлакатларида

● ПЛАННИ БАРВАҚТ БАЖАРИШ УЧУН

БУДАПЕШТ. Венгрия химиклари Венгрия Социалистик ишчи партияси XII съезди ва мамлакатнинг фашизмдан озод этилганлигининг 35 йиллигини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш мажбуриятини қабул қилдилар. Республика халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналарининг коллективлари билан бир қаторда улар социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Мусобақадан мақсад ҳамма жойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашдан иборатдир.

Масалан, Тисай химия комбинатидаги 360 дан знёд социалистик меҳнат бригадалари йил охиригача пландан ташқари 3 минг тоннадан кўп сунъий ўғит ва қарийб 600 тонна полиэтилен ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

ВХРда беш йиллиннинг охирги йилида химия саноати маҳсулоти ишлаб чиқаришни 7 процент кўпайтириш, социалистик мамлакатларга юборилдиган химиявий буюмлар ҳажмини 400 миллион сўмликка етказиш мўлжалланади. Тисай химия комбинатида, тармоқнинг бошқа бир қанча корхоналарида йил охиригача катта объектлар ишга туширилади.

● ЯНГИ ШАҲАРЛАР ҚАД КЎТАРМОҚДА

УЛАН-БАТОР. МХРда 200 га яқин йирик аҳоли пунктларини қуриш бош планн тузилди ва амалга оширилмоқда. Уй-жой қурилишини кенгайтириш, маданий-маиший хизмат марказларини барпо этиш билан бир қаторда шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва уларни обод қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда республика шаҳарлари ва йирик қишлоқ марказларида мамлакат аҳолисининг 51 проценти истиқомат қилади. Уларни обод қилиш халқ Монголиясида муваффақият билан ҳал этилаётган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

● ЯНГИ ҲОСИЛ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

СОФИЯ. Болгария далаларида бугун-эртага кўклам дала ишлари бошланади ва қишлоқ меҳнаткашлари уни шай бўлиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

Республикада кузги экинларни озиқлантириш қизғин бормоқда. Қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ремонт қилиш ишлари алоҳида назорат остига олинган. План топшириқларининг бажарилиши, тармоқда самарадорликнинг оширилиши кўп жиҳатдан техниканинг шайлигига боғлиқ. Кўпгина округларнинг хўжаликларида ремонт ишлари ниҳоясига етди ва иссиқ кунлар бошланиши биланоқ улар далага чиқарилади.

Қиш ойлари қишлоқ меҳнаткашларининг профессионал ва иқтисодий билимини ошириш учун энг қулай пайтдир. Миллий аграр-саноат комплекси кадрларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи махсус курслар ва мактаблар очди. Энг катта илмий институтнинг лекторлари деҳқонлар ва чорвадорларни қишлоқ хўжалик фанининг энг янги ютуқлари билан таништирадилар.

● МАШИНАСОЗЛАР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПХЕНЬЯН. Ҳозирги вақтда Корея машинасозлари энергетика асбоб-ускуналари ва пармалаш қурилмалари, тепловоз ва электровозлар, кўп юк кўтарадиган автомобиль ва экскаваторлар, программавий бошқариладиган кучли двигатель ва станоклар, шунингдек бошқа юзлаб янги хилдаги машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқармоқдалар.

Экономиканинг бошқа кўпгина тармоқларида бўлгани сингари машинасозликни вужудга келтиришда ҳам корейс халқига Совет Иттифоқи, бошқа социализм мамлакатлари ёрдам берди. 1958 йилда совет илмий-техника ҳужжатлари ва технологияси асосида республикада биринчи марта «ГАЗ-51» ва «Владимирец-28» типидаги автомобиллар ва тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Польша транспорт машинасозлигини, ЧССР станоксозликни йўлга қўйишда кўмаклашди.

Республика саноатининг ялпи маҳсулотида машинасозликнинг ҳиссаси мамлакат озод этилганидан кейинги биринчи йилга нисбатан ҳозир 7 баравар кўпайди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПАРИЖ. Ғарбдаги индустриал ривожланган капиталистик мамлакатларда бу йилнинг охирида ишсизлар сони қарийб 20 миллион кишига етади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти экспертларининг бу ерда эълон қилинган докладида шу рақам келтирилган. Ҳужжатда 1980 йилда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига кирган 24 давлатнинг тўлов балансларининг жами камомати 65 миллиард долларга етди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати 1980—1981 молия йилида мамлакатдаги портларни кенгайтириш ва янгилаш программасини тузиб чиқди. Бу программада Бомбай, Мадрас, Кочин ва бошқа олтита асосий портларни реконструкциялашга катта эътибор берилади. Ҳиндистоннинг денгиз юк оборотининг 80 процентдан кўпроғи шу портлар орқали ташилади. Бунинг учун шу молия йилидагига нисбатан икки баравар кўп — 800 миллион рупия маблағ ажратилади.

● ТОКИО. Ўтган йилнинг охирги кварталида Японияда истеъмол моллари нархи илгари йилнинг шу давридагига нисбатан 12,3 процент ошди, деб хабар беради иқтисодий планлаштириш бюроси. Уй-жой, иситиш ва сув ҳақи айниқса қимматалашиб ўрта ҳисобда 19,6 процент ошди.

(ТАСС).

МУСУЛМОН МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ҳиндистоннинг таниқли мусулмон арбоби мавлоно Муҳаммад Исҳоқ Самбхали «Жамият ўламои Ҳинд», «Жамият исломия шоҳи мадраса» ташкилотларининг раҳбар органлари аъзосидир. У узоқ вақт давомида Ҳиндистон парламентининг аъзоси бўлган, уч марта Маккага ҳажга бориб келган.

Мавлоно Муҳаммад Исҳоқ Самбхали АПН мухбири билан суҳбатда қуйидаги баёнотни берди.

— Мен Афғонистонда 1978 йил апрель революциясигача бир неча бор бўлганман, — деди мавлоно Муҳаммад Исҳоқ Самбхали. — Ҳар бир сафаримдан сўнг Афғонистон халқи бу жабр-зулмга қачонгача чидаб келаркин, деб ўйлардим. Афғонистонни «худо эсдан чиқарган мамлакат» деб бежиз айтишмайди.

Ана шу диёрда революция юз берди. У афғон халқига озодлик ва яхши ҳаёт учун йўл очди. Революция минг-минглаб кишиларни судхўрларнинг зулмидан озод қилди, феодалларнинг ерларини камбағал деҳқонларга берди, барча гражданларнинг тенглигини эълон қилди ва бошқа тадбирларни амалга оширди. Бу афғонлар диёрига янги ҳаёт баҳори келганидан дарак беради. Нихоят халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди.

Мусулмон сифатида шуни таъкидламоқчиманки, Афғонистонда революция туфайли бошланган ўзгаришлар қуръонга тўла мос келади, меҳнаткаш мусулмонларнинг туб манфаатларига жавоб беради. Судхўрликка берилган зарбани асл мусулмонлар исломни тозаловчи тадбир деб билишлари лозим. Чунки, қуръонга биноан судхўрлик фақат ёвузлик бўлибгина қолмай, катта гуноҳ ҳамдир. Афғон халқи ўз ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз берганини дарҳол ҳис этди.

Афғон революциясини Вашингтон ва Пекиндагилар бошқача қабул қилишди. Афғонистондан минглаб километр узоқда бўлган Кўшма Штатлар бу революция бизнинг ҳаётий манфаатларимизга хавф туғдирмоқда деб бутун жаҳонга жар солмоқдалар. Президент Картер гўё «ислом софлигини ҳимоя қилаётган бўлиб, Афғонистоннинг ички ишларига мунофиқона аралашмоқда.

Революцияни бўғиш мақсадида Покистон территориясида Афғонистондан қочган феодаллар ва бошқа реакцион унсурлардан куролли бўлинмалар тузилмоқда. Афғонистон халқига қаршн ана шу фитна бошида Америка империализми ҳамда уни қўллаб-қувватлаётган Пекин ва бу фитнадан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган генерал Зиёул Ҳақнинг реакцион режими турибди. Ана шундай бир шароитда апрель революциясининг ғалабаларигина эмас, балки Афғонистоннинг суверенитети ва мустақиллиги ҳам хавф остида қолди.

Бу мамлакат ҳукуматининг ташқи агрессияни деф қилишда ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосига Совет Иттифоки жавоб бармаганида Афғонистонда нималар юз бериши мумкинлиги ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Америка империализмининг «исломнинг уйғониши» ниқоби остида Совет Иттифоқига қаршн мусулмонларни гиж-гижлаши бемаъни уринишдан бошқа нарса эмас.

Совет Иттифоқи ташкил топган кунидан бошлаб ҳамиша мусулмонлар ва мусулмон бўлмаган халқлар томонида туриб, уларнинг империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашини қўллаб-қувватлаб келди. Бугунги кунда у Афғонистонда ҳам худди ана шу хайрли ишни бажармоқда. Шунинг учун ҳам комил ишонч билан айтиш мумкинки, апрель революцияси империалистлар ва реакцион кучларнинг хуружларидан ҳимоя қилинади.

Бу ишонч Совет Иттифоки ўзида яшовчи миллионлаб мусулмонлар учун қилган ҳамма ишлар мазмунидан келиб чиқади. Ғарбда бу мамлакатда дин эркинлиги йўқ, деб таъкидлашади. Мен СССРда бўлганман, бир неча бор Тошкент ва Ленинграднинг ажойиб масжидларида жума кунлари ўқиладиган оммавий намозларда иштирок этганман. Тошкентда мен бир вақтнинг ўзида беш

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЭЪЗОЗ

Биз, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликдан ғоят миннатдормиз. Мамлакатимизнинг қайси бурчагига бормайлик, ҳамма жойда бизни ҳурмат ва эҳтиром билан қарши оладилар. Яқинда Каттақўрғон шаҳар касалхонасида даволанишга тўғри келди. Шифохона бош врачидан тортиб даволовчи врач Мирзоқул Ҳудойқулов ва ҳамшираларгача — ҳамма беморлар атрофида парвона, ширинсуханлик ва меҳрибонлик билан муомала қилишади. Гапнинг рости дори-дармонлардан ҳам кўра худди шу нарса менга кўпроқ фойда бергандек бўлди. Улардан жуда миннатдорман. Қўллари асло дард кўрмасин.

И. ХОЛМУРОДОВ,
Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди.
Самарқанд область, Советобод районидаги «Қарноб» совхози.

АГРОНОМЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш эндиликда махсус маълумотли мутахассисларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилмоқда. Яқинда «Ҳурмат Белгиси» орденли В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини бир гуруҳ мутахассислар битириб чиқди. Агрономия факультетини тугатган 96 нафар йигит-қиздан йигирма икки киши имтиёзли диплом олганлигини таъкидлаш қувончлидир. Ёш мутахассисларга диплом топширишга бағишланган кеча мароқли ўтди.

В. ЖУРАЕВ.

МЕҲРИГИЕЛАР

Яқинда етти ойлик қизчамизни деярли беҳуш ҳолда Фарғона районидаги Аввал зонал касалхонасига олиб келдик. Врач ва ҳамширалар бир пастда ҳаракатга тушиб қолишди. Уйқуни тарк этиб, туни билан тепасида навбатчилик қилиб турдилар. Икки кундан кейин қизим Саломатхон ўзига келди. Совет медицинаси шарофати билан, вақтида қилинган тўғри шифо чоралари туфайли икки ҳафта деганда қизим ҳеч нарса бўлмагандек соғайиб кетди. Беморлар учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр меҳрибон ва дилкаш шифокорлар Раҳимахон Охунжонова, Патилахон Сиддиқова, ҳамширалар Анорхон Камолова, Маҳбубахон Холмирзаева, Пошшахон Маткаримоваларга миннатдорлигимни айтиб адо этолмайман.

Р. КАРИМОВА,
Фарғона область тиқувчилик-мажмуий хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг трикотаж цехи ишчиси.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **С. Саидов** (Қашқадарё), **А. Отабоев, Ш. Эгамов, О. Адҳамов** (Фарғона), **Р. Шодиев** (Сирдарё), **У. Жумабоева** (Наманган), **С. Тўрақулова, Ғ. Сафаров** (Самарқанд) ва бошқалар ҳам турли мавзуда хат-хабар йўллашган.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА ҚУНДАЛИГИ:

ЧАНҒИЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Қишки Олимпиада мусобақалари ниҳоясига етай деб қолди. Ҳозирча СССР ва ГДР терма командалари пешқадамлик қилишмоқда. Ҳар иккала команда 17 тадан медаль жамғарди. Совет спортчилари саккизта олтин, тўртта кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритишган бўлса, ГДР ёшлари олтита олтин, бешта кумуш, олтита бронза медалига эга бўлишди. Олимпиада мусобақаларини кўтариш руҳида ўтказаётган чанғичиларимиз яна бир бор юқори натижага эришдилар. Василий Рочев, Евгений Беляев, Николай Зимятов ҳамда Николай Бажуковлар 4х10 километрга эстафетали пойга ҳамжиҳатлик кўрсатдилар. Чанғичиларимиз бир соатгу 57 минут 03,46 секунд вақт сарфлаб маррада биринчи бўлдилар. Моҳир чанғичилар кўксини Олимпиаданинг олтин медаллари безади.

Хоккейчилар саралаш учрашувларини якунлашди. Финалда иштирок этадиган командалар аниқланди. СССР терма командаси навбатдаги учрашувни Канада хоккейчилари билан ўтказиб (6:4), жами очколарини 10 тага етказди. Шундай қилиб, хоккейчиларимиз финалда АҚШ терма командаси билан учрашадиган бўлишди. Швеция командаси эса Финляндия хоккейчилари билан майдонга тушади.

ВОЛЕЙБОЛ:

ИККИ ПОҒОНА

Аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати мусобақалари поёнига етди. Свердловскнинг «Уралочка» командаси учинчи марта чемпион номига сазовор бўлди, Ленинграднинг ТТУ ҳамда ЦСКА коллективлари фахрли иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Москвалик динамочилар бу сафар тўртинчи бўлдилар. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари ҳал қилувчи тур учрашувларида уч марта галабага эришиб, икки марта имконияти бой беришди. Вакилларимиз 8 очко билан бешинчи ўринга кўтарилдилар. «Автомобилист» ўтган йили еттинчи ўринни эгаллаган эди.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Москвада ўтказилган қишки чемпионат баҳсларида андижонлик З. Зайцева 800 ва 1500 метрга югуриш бўйича бронза медалларини қўлга киритди. Тошкентлик А. Димов 200 метрга тўсиқлар оша югуриб, ана шундай мунофотга сазовор бўлди.

● ШАХМАТ. Тошкентда биринчи лига коллективлари ўртасида Узбекистон чемпионати давом этмоқда. Етти тур ўйинларидан кейин тошкентлик Г. Бударин олти очко билан пешқадамлик қилмоқда.

Суратларда: (юқорида) муз устида рақс тушиш бўйича Олимпиада чемпиони номини олган Н. Линичук билан Г. Карпоносовлар. Чана учиш бўйича олтин медални қўлга киритган В. Зозуля. Фигурали учиш устаси Владимир Ковалев ҳамда коньничи Наталья Петрусева. ТАСС фотоси.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

АҲИЛЛИК ШАРОФАТИ

Қаршы чўлида катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган 4-механизациялашган кўчма колоннада илғор бир коллектив бор. Бу — Геннадий Александрович Борщенко бошлиқ дурадгорлар бригадасидир. Бу ерда гап унинг ишлаб чиқаришда эришаётган ютуқлари тўғрисидагина эмас, коллективдаги одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, жонкуярлиги, ҳамжиҳатлиги, ўзаро ёрдами ҳақида бораётир. Бригада аъзоларининг ўзаро дўстлиги, аҳиллиги уларнинг номини Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Каршистрой» бошқармасида кенг танитди.

— Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган коммунистик ахлоқ принципи Г. Борщенко бошлиқ тўрли миллат вакилларидан иборат бригадада ўз аксини яққол топган, — дейди бошқарма партия комитетининг секретари Соҳиб Усмонов.

Қуйида ана шу аҳил коллектив ҳамда унинг бир-бирига мададкор ва фидокор кишилари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

... Қурувчилар тушки овқатни қилиб, дам олиб ўтиришарди. Шу пайт икки юзида табассум билан бригадир келиб қолди. У бугун ҳар қачонгидан ҳам мамнун кўринарди.

— Нима дейсизлар ўртоқлар, — бригадир Геннадий Борщенко ҳамкасбларига юзланиб деди, — беш минутлик йиғилиш ўтказиб олсак дегандик, қаршилар йўқми?

— Ҳозир дам олиш вақти-ку, ишга ҳалақит бермаса, барибир эмасми, ўтказсак ўтказа қолайлик, — дейишди бригада аъзолари ҳам ундан бирон янгилик эшитиш мақсадида.

— Бўлмаса Рашид Менгалиев ўртага чиқсин, микрорайондан унга икки хонали квартира бериладиган бўлди. Ҳозир сизларнинг иштирокингизда унга квартира ордерини топширмоқчиман.

— Мана буни янгилик деса бўлади, янги уй муборак, бўлсин, Рашид, — деди қувонч билан унинг ёнида ўтирганлар.

Геннадий завқ-шавқ билан Рашид Менгалиевга квартира ордерини топширди. Шу пайт Рашиднинг ҳамкасблари уй-жой билан қизғин қутлашди. Ордер топшириш маросими биргина Рашиднигина эмас, коллективдаги барча йигитларни ҳам хурсанд қилиб юборган эди. Бу шодиёналик ҳовли тўйига уланиб кетди.

Бугунги кун, айниқса, орзиқиб кутилган кун эди. Чунки Рашиднинг квартира учун кўп елиб-югурганидан уларнинг ҳаммаси ҳам хабардор эди. Ўша кунлари бригадага «Каршистрой» бошқармаси раҳбарларидан бирор киши келиб қолгудай бўлса ҳаммалари бир бўлиб Рашидга квартира сўрайверириб холи-жонига қўйишмасди. Кўплашиб бошқарма раҳбарлари номига хат ҳам ёзиб юборишди. Аммо квартира масаласи тезда ҳал бўлавермади. Бир куни Рашид билан бригада аъзолари ўртасида жиддий гап бўлиб ўтди. Ўша воқеани йигитлар ҳали ҳам эслаб мийигида кулиб қўйишади.

— Мени кечирасизлар-у оғайнилар, «ана квартира берамиз, мана квартира берамиз» деган ваъдалардан кўп тўйдим. Бошқарма раҳбарлари «қурилишга келинг, ёлғиз бўлсангиз ётоқхона, оилали бўлсангиз уй-жой билан таъминлаймиз», деб сўз беришганди. Амалда эса...

— Амалда бунинг акси демоқчимисан? — сўради бригадир Г. Борщенко. Рашиднинг гаплари уни анча ўйлантириб қўйган эди.

— Ҳа, э, борей деб кетворсам ҳам бўлади-ку, аммо сизларни, бригадамни кўзим қиймаяпти, ҳар ҳолда оғайнидай бўлиб қолганмиз. Бироқ оила турмушини ҳам ўйламасам бўлмайди-да. Чунки аввал оилада фақат эр-хотин — икки киши эдик. Энди эса боламиз ҳам бор. Қийналиб қолганим учун гапиряпман буни сизларга. Бўлмаса...

Бригада аъзолари уларнинг гапига қулоқ солиб туришганди.

— Рашиднинг гапида жон бор, ёрдам бермасак оиласидагина эмас, ишида ҳам ҳаловат бўлмайди, — деди Тожиддин Сайфиев, — Геннадий билан Анатолий Чумаков шу бугун Муродовнинг ёнига бориб масалани узил-кесил ҳал қилиб келишсин, — у гапим тўғрими, дегандай ҳамкасбларига бир қур назар ташлаб олди.

Кечқурун Геннадий Борщенко билан Анатолий Чумаков кўчма колонна бошлиғи Анвар Муродов ҳузурига бориб Рашиднинг аризаси ҳақида сўраб-суриштиришар экан, унинг оилавий турмушини ҳам ётиғи билан тушунтиришди. Бошлиқ квартира сўраганлар кўп, деган эди, бу гапдан Борщенконинг фиғони чиқди.

— Ахир у етти-йилдан бери бригадамизда ишлаб келяпти-я, — деди у, — ўзи тажрибали, бешинчи разрядли илғор дурадгор бўлса, доим план тугул мажбуриятларини ҳам ошириб бажариб келаётган бўлса. Шунақа одамларнинг қадрига етмай кимнинг қадрига етамиз. Сиз ҳам бундоқ бошқарма раҳбарларига тушунтириб қўйинг-да. Уй-жой, оиласидан кўнгли тўқ одамнинг ишида ҳам самара бўлишини наҳотки ўйламасак. Ҳалиям раҳмат унга, чидаб келяпти...

Кўчма колонна бошлиғи Анвар Муродов Геннадийнинг бунчалик куйиб-пишиб гапираётгани сабабини англатурарди. У Геннадий Борщенкони кўпдан бери билар, одатда оғир-босиқ бу йигитнинг бекорга ёниб-тутоқиб кетмаслигини ҳам тушунарди. У Геннадийнинг бир пайтлар қўлоқ бўлган бригадани илғорлар сафига кўтаролганлиги, ишбилармонлиги, ҳар қандай ишга ҳам жон-дили билан берилиб кетишини, айниқса, ёқтирарди. Қолаверса, Геннадийнинг яхши бир фазилати учун — унинг ўзини эмас, бригадаси аъзолари тақдири ҳақида қайғуриб, ғамхўрлик қилиши учун яхши кўрарди. Чиндан ҳам Г. Борщенконинг характери ана шундай эди. У бировлар учун елиб-югуришдан асло чарчамасди. Геннадий чўлга ҳужум бошланган дастлабки кунлардан буён «Каршистрой» бошқармасида ишлаяпти. Унинг меҳнат дафтарчасида қанчадан-қанча йиллар қайд қилинган. Бригада аъзолари билан чўлда бунёд бўлган неча-неча шаҳар ва поёлкаларни қуришда озмунча меҳнат қилдими. Ҳозир уларнинг бармоқ излари қолган биноларни санаб саноғига етиш қийин...

Раҳбарнинг ишчига ғамхўрлиги, унинг турмуш шароитини яхшилаш учун жонкуярлик қилиши энг яхши фазилатлардандир. Аслида бригадада кишиларнинг ўзаро дўст ва ўртоқлиги, бир-бирига ёрдам учун ҳар доим ҳозир бўлиб туриши одат тусига кирган. Бинобарин, Р. Менгалиевга кўрсатилган ёрдам якка-ягона мисол эмас. Чунки ишлаб чиқаришда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам улар бир-бирларига доимий ҳамдам бўлишляпти. Мабодо биров бетоб бўлиб қолса ёки бошига бирор ташвиш тушса, бригада аъзолари унинг ўрни бўшлигини сира билинтиришмайди.

Яқинда дурадгор Тожиддин Сайфиев бетоб бўлиб узоқ ётиб қолди. Ҳамкасблари ундан ҳар куни хабар олиб ёрдам бериб туришди. Пётр Афанасенко дўстига дори-дармон етказиб бериб турган бўлса, Александр Клигин ва Рўзи Ҳакимов уй юмушларидан хабардор бўлиб туришди. Тожиддин соғайиб ишга чиққунича бригаданинг барча аъзолари унинг йўқлигини билдирмай ишлашди.

Яна бир мисол. Ўтган ёзда бригада аъзоларидан баъзилари Қарши политехникумида сиртдан ўқиш истаги борлигини билдириб, ўртоқларидан маслаҳат сўрашган эди. Бу истак ҳам бригада аъзолари ўртасида маъқулланди. Улар Рўзи Ҳакимов билан Тожиддин Сайфиевга фақат имтиҳон топширишга эмас, балки имтиҳонга тайёргарлик кўришга ҳам имкон яратиб беришди. Улар учун ўзлари ишлаб смена нормасини ошириб бажариб туришди.

Бригададаги соғлом муҳит ишлаб чиқаришга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бригада аъзолари бошқармада биринчи бўлиб ростовликларнинг қолоқларсиз ишлаш ташаббусига қўшилдилар. Улар ўнинчи беш йиллик давомида икки беш йиллик план миқдорида қурилиш ишларини бажаришга сўз беришган. Ҳозиргача эса пландаги 627 минг сўмлик ўрнига 1 миллион сўмлик миқдорида иш бажариб қўйишди.

— Коллективимиздаги йигитлар ишлаб чарчаш нималигини билишмайди, — дейди Г. Борщенко. — Ўзаро аҳиллик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик уларга битмас-туганмас куч бағишлаяпти. Ойлик планларимизни 150 процент атрофида бажараётганимиз сабаби ҳам ана шунда.

Қурувчиларнинг турмуш шароити ҳам тобора яхшиланмоқда. Ҳозир уларнинг ҳаммаси янги уй-жойларда яшамоқдалар. Фақат ўзларигина эмас, оила аъзолари ҳам бир-бирлари билан аҳил, иноқ ва қадрдондирлар.

Қарши шаҳридан чиқиб Бешкент йўли орқали озгина юрилса қад ростлаётган гигант корхона — қурилиш индустрияси комбинати кўзга ташланади. Ана шу комбинат ҳавозасида тўртинчи механизациялашган кўчма колоннанинг Геннадий Борщенко бошлиқ дурадгорлар бригадаси ҳам зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Дарҳақиқат, бу ҳамма ҳавас қилса арзигудай, коммунистик эътиқоднинг ўзига сингдирган ажойиб коллективлардан бири.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«БИЗ УЛАРНИ ЯХШИ БИЛАРДИК»

Ўзбекистон театр жамияти, Республика актёрлар уйи «Биз уларни яхши биларди-к» циклида кечалар ўтказа бошлаганига анча бўлди. Бу хайрли иш кенг жамоатчиликка манзур бўлмоқда. Республика санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб кетган ижодкорлар билан бирга ишлаган, уларнинг ҳаёт ва ижодларини яхши билган, ўзларини ўша ўлмас маданият арбобларининг шогирди деб ҳисоблаган кишиларнинг ҳикоялари, хотиралари ўтказилаётган ҳар бир кечага файз киритаётир. Ҳозирга қадар Маннон Уйғур, Миршоҳид Мироқилов, Мария Кузнецова, Маъсума Қорнева, Назира Аҳмедова, Домла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов ва бошқа санъаткорлар хотирасига бағишланган худди шундай кечалар бўлиб ўтди.

«Биз уларни яхши биларди-к» циклидаги кечаларнинг навбатдагиси Ўзбекистон театр санъатининг равнақига катта ҳисса қўшган ажойиб хонанда, актёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокировга бағишланди. Актёрлар ўйнаётган ташриф буюрган атоқли актёр ва актрисалар, музика санъатининг таниқли намояндалари, санъатшуносларнинг, артистларнинг дўстлари ва шогирдлари ўлмас ижодкорнинг ажойиб ижрочилик фазилатлари, ибратли ҳаёти ҳақида гапирдилар.

ХАЛҚ ТЕАТРИДА ПРЕМЬЕРА

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи маданият саройининг халқ опера театри коллективи П. Чайковскийнинг машҳур «Евгений Онегин» операсини саҳналаштирди. Спектакль санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди. Асарни саҳналаштиришда ҳаваскорларга А. Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрининг артистлари яқиндан ёрдам беришди. Спектаклдаги Евгений Онегин ролини «Центрсоюзпроект»нинг архитектори Виктор Слонимский, Ольга партиясини эса Тошкент трактор заводининг пармаловчиси Нина Курилко ижро этмоқда.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ
ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
1980 ЙИЛГА
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКОНОМИКАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(700097, Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 28-уй)
Экономика, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(702841, Тошкент область, Янгийўл шаҳри, «Кирда» почта бўлими)
Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг ишлаб чиқаришини ремонт қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(702145, Тошкент область, Ўрджоникидзе район, «Красный водопад» почта бўлими)
Қишлоқ хўжалик моллари селекцияси ва уруғчилиги, хусусий зоотехника, қишлоқ хўжалик молларини боқиш.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
(Тошкент область, Тошкент районы, Гулистон қишлоқ Совети)
Мевачилик, узумчилик субтропик экинлар.

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(704620, Жиззах область, Ғаллаорол район, «Ғаллаорол» почта бўлими)
Генетика, селекция ва уруғчилик, фитопатология ва ўсимликлар муҳофазаси.

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(70205, Тошкент область, Тошкент район, «Қозоқхонсой» почта бўлими)
Сабзавотчилик, энтомология.

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИКОРЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(702310, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ район, «Авангард» почта бўлими)
Генетика, умумий деҳқончилик, агрохимия, селекция ва уруғчилик, фитопатология ва ўсимликлар муҳофазаси, ўсимликшунослик.

ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(702044, Тошкент область, Калинин район, «Жарариқ» почта бўлими)
Хусусий зоотехника, мевачилик (тутчилик);

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(704453, Самарқанд область, Тойлоқ поёлкаси)
Вирусология, патология, моллар онкологияси ва морфологияси, ветеринария микробиологияси, ветеринария санитарияси қишлоқ хўжалик моллари гигиенаси.

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА 35 ЕШГАЧА, СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ЭСА 45 ЕШГАЧА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ, ИККИ ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ТАНЛАНГАН МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ТАЖРИБАСИГА ЭГА БЎЛГАН, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР СОҲАСИДА ЎЗ ҚОБИЛИЯТИНИ КЎРСАТГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аспирантурага ирувчилар олий ўқув юртлари программаси ҳажмида: МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА, КПСС ТАРИХИ, ЧЕТ ТИЛЛАРИНИНГ БИРИДАН ВА РУС ТИЛИДАН (олий ўқув юртларини миллий группаларда битирганлар учун) КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: аспирантурага қабул қилиш тўғрисида илмий-тадқиқот институти раҳбари номига ёзилган ариза, олий ўқув юртини тугатгани тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, меҳнат дафтарчасидан иш жойи тасдиқланган кўчирма, соғлиги тўғрисидаги справка (286-форма), эълон қилинган илмий ишлари рўйхати, илмий-техник ҳисоблари, ихтиролари тўғрисида маълумотлар, тажриба-конструкторлик ишлари ва улар ҳақида билдирилган фикрлар.

Эълон қилинган ишлари бўлмаган кишилар мутахассислик бўйича танланган темада докладлар (рефератлар) тақдим қиладилар.

Кириш имтиҳонларига қўйилганларга иш жойидан имтиҳонларга тайёрланиш ва топшириш учун иш ҳақи сақланган ҳолда 30 календарь кун ҳисобида отпуска берилади. Иш жойидан илмий-тадқиқот муассасигача бориш ва қайтиш учун эса иш ҳақи тўланмаган ҳолда қўшимча вақт берилади.

ҲУЖЖАТЛАР — 15 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкаларни тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими аспирантураси (Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 2-қават, 1-хонадан олиш мумкин. Телефонлар: 39-49-92, 39-49-93.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/II да **Концерт.** 23/II да **Уйқудаги гўзал.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Рўйхатларда йўқ.** 23/II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Зеби эзбона,** 23/II да **Тошболта ошиқ.**

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Можаро,** 23/II да **Беш кунлик куёв.**

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Ш. А. АЛИМОВ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мақсадли аспирантурага: фтизиатрия ихтисоси бўйича (Москва шаҳрида тайёргарлик кўрилади);

кундузги аспирантурага: фтизиатрия ихтисоси бўйича;

клиник ординатурага.

ҲУЖЖАТЛАР — 15 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри. Мажнунтол кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 78-04-70, 78-04-92.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/II гача «ЎРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР: ИЛОНЛАР БИЛАН РАҚС; БЎГМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» номли **номерининг хайрлашув гастроллари** (19.30).

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

биохимия лабораториясига — вирусология ихтисоси бўйича катта илмий ходим.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ариза ва ҳужжатлар конкурс шартларига мувофиқ рўйхати адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри-143, Академиклар шаҳарчаси.

●

Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «ПРОМЖИЛВОДСТРОЙ» трестининг

3-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ

ГУГАТИЛДИ

Шартнома ишлари ва ҳисобкитоб бўйича барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент область, Бектемир шаҳри.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

0.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — Киносаёҳатчилар клубы. 11.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.05 — Янгиликлар. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Жонажон табиат. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.20 — Д. Фурманов. Чапаев. 18.05 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 19.55 — Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Кувноқ нотачалар. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — Камалак. 13.45 — Қор маликаси. Бадиий фильм. 15.10 — Самарқанд. 17.35 — Мультфильм. 17.55 — Студентлар қурилиш отряди—79. 18.10 — Ахборот. 18.25 — Ёшлик. 19.05 — Ахборот. 19.25 — Куйла, Санобар. 19.55 — Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Халқ хизматида. 20.55 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.25 — Математика. 22.25 — Романтика театри.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Кинофильмлардан қўшиқлар. 9.30 — Классик куйлар. 10.40 — Лениниана программаси. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Қўзлатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрайлик. 13.30 — Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Сизлар учун. Концерт. 14.00 — Ленин номли колхозда. 18.30 — Снёсий билимлар радиоуниверситети. 18.45 — Юность Узбекистана. 19.55 — Москва. Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совет депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб эшиттирилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқарс ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-28, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; ҳамкорлик алоқалари — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01811. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 44. 3